



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2015-yil 25-dekabr №52 (4347)

2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ СОҒЛИК ВА ОЗОДЛИК

Азиз ўқувчи! Бу йил ҳисобидан газетамизнинг охириги сони сизнинг қўлигизда турибди.

Ўтаётган 2015 — Кексаларни эъзозлаш йили ҳам мўътабар истиқлолимиз соломасида асрларга татигулик орзу-мақсадларимиз рўйбери ўзида мужассам этгани, ният ва интилишларимизнинг ҳаётимиз ва жамиятимиздаги инъикоси билан ҳам биз учун ғоят қадри ва сермазмун бўлди. Нурли ва мунаввар тарихга айланган 2015 йилимизни ўтган вақт билан муқоиса қилар эканмиз, шу қисқа муддат юбайида халқимиз, она Ўзбекистонимиз келажак биносини бунёд этишга, озоод ва обод Ватанимиз пойдеворини мустақамлаш йўлида яна бир пуғвор ва залворли қадамни олдинда ташлаганига гувоҳ бўламиз. Бу пуғворлик эртақ ё афсонада эмас, тундоқ кўз ўнгимизда, каттаю кичик имма ватандошларимизнинг, бутун аҳлининг кўз олдида намоён бўлмоқдаки, биз маълум маънода ўзгаришлар ва янгиланишларга ўрганиб, қўнчиб ҳам қолдик. Ҳаётимиз ўзгариб, янгиланиб бормоқда, ақлу идрокимиз ўзгармоқда, ёшларимизнинг онг ва тафаккури, дунёқараши ҳам шу улуг ва эзгу мақсадларимизга мос ва муносиб.

Олам ўзгармоқда, одам ўзгармоқда. Эл-улуснинг олам аҳли билан тенг ҳуқуқли халқ ва миллатга, мамлакатнинг том маънода фаровон ва қудратли Ватанга айланиб бораётганини, ҳис этиш, англаш ва дахлдорлик туйғуси бизга Истиқлолимиз, унинг ин-

сонпарварлик ва юртпарварлик гоёси, давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб олиб бораётган оқилона ва донишмандона сиёсати туфайли эканини тобора теранроқ тушуномқдамиз. Англаганимиз сайин эса ҳали

Ҳаёт нафаси

она Ватанимиз ва халқимиз олдидаги қилинажак ишларимизга вазифаларимиз нечоғли кўплигини ҳам чин дилдан ҳис қилмоқдамиз.

Дарвоқе, муқояса тўғрисида. Манзара ойдинлашмоғи учун шу ўринда икки хил мисолни эътиборингизга ҳавола қилмоқчи лозим топдик. Биринчиси:

“Бизга кўп нарсалар ваъда қилинди. Республикаимиз мамлакат пахта мустақиллиги йўлида анча қурбонлар берди. Биз, энг аввало, аҳолини гўшт, сут, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан, халқ истеъмоли моллари билан таъминлаш масалаларида қарам бўлиб қолдик. Экология тўла бузилгани тўғрисида гапирмай қўя қолайлик. Бу ўринда кишиларнинг захарлангани ва улар умрининг қисқарганини айтиб ўтиш кифоя”.

Президентимизнинг 1991 йил 28 август — Мустақиллигимиз эълон қилинишидан уч кун олдин ирод қилинган, кейинчалик “Ўзбекистон мустақиллика эришиш оstonасида” китобида “Халқимизнинг фикри — биз учун олий мезон” сарлавҳаси билан ки-

ритилган маърузасидан олинган ушбу мисолдан Юртбошимизнинг Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: “Аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, санитария-гигиена соҳасидаги ишларни янада кучайтириш, ҳомиладор аёлларни асраб-авайлаш, ёш оналар ва болаларни талаб даражасида парвариш қилиш, уларнинг овқат рацони, унинг сифати ва калорияси каби масалаларга жиддий эътибор бериш лозим.

Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустақам бўлади”, дея алоҳида таъкидлаб ўтилган — миллатимиз сиҳат-саломатлиги тўғрисида давлат миқёсидаги юксак эътибор ва ғамхўрликка етиб келганимизча анча-мунча синов ва қийинчиликлардан ўтишимизга тўғри келганини ҳаммамиз яхши биламиз.

Орзу-умидларимиз, соғинчу қувончларимизни ўзида мужассам этган эски йилимиз биз билан хўшлашмоқда.

Янги ниятларимиз, тинчлик ва хотиржамлигимиз, сиҳат-саломатлик ва омонлигимизни олам-олам озуларимиз билан ўзида муштарак этган Янги йилимиз эшик қоқмоқда.

Жондан азиз истиқлолимизнинг ярим асрлик қутлуг санаси нишонланадиган ғурурбахш йилда ҳамиша соғ бўлинг, эзгу орзу-ниятлар ҳар доим ҳамроҳингиз бўлсин, азиз юртдошлар, деймиз.

Камқон келинчақлар, қиз-жувонларнинг
Эгatlарда куйган ҳаёти — соғлик.

Қадим обидалар нураган тамом,
Фақат миннат бўлди элга ош-таом,
Халқ билан муттасил, изчил, бардавом
Емирилган қасри бунёди — соғлик.

Ибн Синоларни берган халқдирсан,
Бемор дунё узра ҳар он қалқирсан,
Бугун Ҳақ олдида сен ҳам ҳақдирсан —
Нияти — тинчлигу муроди — соғлик.

Фарзандларга боқиб замон Меъмори,
Ҳар фарзанд бўлсин дер замон бедори,
То соғлом ўссин деб номус ва ори —
Тинч элнинг бунёду ободи — соғлик.

Соғлик — озоодликдир,
Соғлик — ободлик,
Онажон деган сўз бунчалар тотлик,
Соғлом ўғил-қиздан қанчалар шодлик —
Қанду асали ҳам наботи — соғлик.

Тахририят.

ЭЪТИБОР ҚУВОНЧЛАРИ

Дунёда меҳнати эл-юртда қадр топган, эътибор ва эътирофга лойиқ қўрилган одамдан бахтли инсон бўлмаса керак. Зеро, бундай эътиромга элим деб, юртим деб ёниб яшаётган, она Ватан келажаги учун бор куч-ғайратини сафарбар этиб изланаётганларгина сазовор бўлади.

Шу ҳафтанинг бошида “Истиқлол” санъат йилининг муҳташам залини тўлдириб ўтир-эртдошларимиз бир гуруҳ фидойи за-

мондошларимизнинг қувончига шерик бўлдилар. Бу ерда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида маданият, санъат, спорт, радио, телевидение каби соҳалар бўйича “Эътироф — 2015” миллий мукофоти совриндорларини тақдир-

«Эътироф — 2015»

лаш маросими бўлиб ўтди.

Шуниси эътиборлики, совриндорларнинг асосий қисми юртимиз келажаги бўлган ёш ижодкорлар ва спортчилар. Бу эса, шубҳасиз, мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва яратиб берилган шарт-шароитлар самарасидир.

— Очиғи, голибларни аниқлаш осон кечгани йўқ, — дейди танлов ҳайъати аъзоси, таниқли композитор Ҳабибулла Раҳимов. — Йигирма учта номинатсия бўйича саралаб олин-

ган 69 номзоднинг ҳаммаси ўз соҳасида катта муваффақиятларни қўлга киритаётган истеъдодли, изланувчан ҳамюртларимиз. Имкон қадар энг муносибларини танлаб олишга ҳаракат қилдик. Қўриб турганингиздек, муҳлислар ҳар бир совриндорни қувонч ва олқишлар билан қарши олаётти.

Ҳақиқатан ҳам, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Ҳар қуни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, қундалиқ фаолият мезонига айлантириш — ҳақиқий қаҳрамонлик асли мана шу”.

“Эътироф — 2015” совриндорларига мукофотларни юртимизнинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари, машҳур санъаткорлар ва ижодкорлар топширдилар. Тадбир таниқли санъаткорлар ва эстрада хонандалари иштирокидаги концерт дастури билан ҳамроҳангликда самимий ва байрамона руҳда ўтди.

Бугун бирор қишлоқ ёки шаҳарда “Юз ёшдан ошган қарияни зиёрат қилдик”, дейишса дарров чехрангизга табассум ёйилиб, пири бадавлат, умрзоқ кексаларимиз кўплигидан, Худо умр берса, эрта бир кун ўзингиз ҳам шундай табарруқ ёшга етишингиз мумкинлигидан беихтиёр шукрона айтасиз.

УМИДЛАРГА ЙЎҒРИЛГАН УМР

“Нуроний” жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари Январ Иноятов “Худудимизда икки юздан зиёд юз ёшга ҳатлаган кексалар истиқомат қилади, уларнинг ҳолидан хабар оламиз, совға-саломлар билан йўқлаб турамиз”, деганида халқимизнинг асрлар оша яшаб келаятган қадриятлари, беқиёс анъаналари мустақиллик йилларида асл мазмун-моҳиятини намоён этаётгани ва бу давлат сиёсатининг муҳим жиҳатига айланганидан ифтихор қилдик. Қўхна Насафнинг “Арабхона” маҳалласида яшовчи 108 ёшли онахон Ибодат Мустафоева хонадонига бораётиб, шу ҳақда ўйладик. Эҳ-ҳе, бир аср яшаш осони, унга етганлар бор, етмаганлар бор. Халқимиз узоқ умр кўриб, ибратли ҳаёт кечиришни улуг фазилат, ҳаммага насиб этавермайдиган тақдир инъоми, деб билганидан кексаларимиз иззату эҳтиромда. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Бир асрдан ошмиқ умр йўлининг эса синовлари, сабоқлари, қўтилмаганда қаршингиздан чиқиб қоладиган бамисоли метин қояни тешиб ўтишдек машаққатларига

ҳамма ҳам дош бера олмайдми...

Ибодат момо сўзлаётти. Ёнида ёши аллақачон саксонни қоралаган қизлари Шодмон хола. Уларнинг пешонларидаги асрни қаритган чиқиларга охира разм соламан. Беихтиёр ўтган 108 йил орасидаги тарихий воқеалар, не-не оилаларни қон қақшатган, отани боладан, келинларни севиқли ёридан жудо этган жаҳон урушлари, қатағонлар, очарчилик, қама-қама даврлари кўз ўнгимда гавдалангандай бўлади. Момонинг кўзу қоши четидида тарам-тарам ажинларнинг ҳар бири ўша суронли йилларга кўзгу тутгандай бўлади.

— Отам Мустафо Турдиев даштада кўй-кўзи, туя боқиб юрарди, ҳеч кимга зиёни теккан эмас. Шўро давлати рўзгорини ҳалол меҳнат билан эплаб юрган укувли одамларни кўролмас экан, ўзига душман биларкан. Ё тавба, дейман... Отам қулоқ бўлиб кетгач, азобни биз тортдик. Қўш ҳайдадик, ўроқ ўрдик, сомон янчдик, ёрғучок тортиб нон пиширдик. Эчки билан қўй соғиб қурут қилдик, жунидан

кўрсатган. Улар бошқалар ҳисобига яшаб, ноҳалол бойлик ортирган, деб қулоғига куйишган. Ҳа, “қулоқнинг боласи” деган хўрликларга ҳам чидадик... Ишқилиб, болам,

ўша оғир йиллардан, уруш, ундан кейинги қаҳатчиликдан ҳам бир амаллаб ўлмай чиқувдик. Кейин, кейин эса, ўша нотанти давлатни одамлари ҳе-йўқ, бе йўқ, қўй-эчкиларимизни тортиб ола бошлашди.

Тўёқ сонига чегара қўйиб, шундан оширмайсан, деб туриб олишди. Нима эмиш, қўй-эчкимиз кўп бўлса, давлатни писанд қилмай қўярканмиз. Ё қудратингдан, шундай ҳам “ичи тор, кўнгли қора, бахил” давлат бўлади-ми? Ахир чор-теваранинг кета-кетгунча дашту дала, яйлов бўлса — қўй боқмай, эчки боқмай нима қиласан? “Берсанг ейман, урсанг ўламан”, деб бировнинг оёғига елкангни тутиб ўтирасанми? Тирик одам ўз кунини қўриш, бола-чақа боқиб учун бундай у ёқ-бу ёғига қараб, қуймаланади-да, ахир...

Давоми иккинчи саҳифада.



Ҳаёт абадий

Сарвар МАМБЕТОВ олган сурат.

Ҳалима АХМЕДОВА



Г.УМАРОВА

КЕЛАЖАКНИ
БЕШИНИ
МЕРАМТУВЧИСА

Оилалар очар ризқининг дастурхонини,
Нонуштага ичишади умид шарбатин.
Сўнг кўзларга суртишади шукроналикни,
Ҳаққа етар бу дуонинг яшил қаноти.
Тупроқ хушфеъл, осмон хушбахт шивирлашади,
Иссиқ нонлар узилар юрт тандирларидан.
Шўх болакай қайноқ Ернинг шаклини эпчил
Қордан ясаб тортиб олар,

Қишнинг қаъридан.

Қадимда қизи бўйи етган она чизмакашларга бориб, матога энг яхши, ҳали ҳеч қарерда учрамаган нақшлар чизиб беришни илтимос қилишган. Чизмакашлар каштаннинг бир тури — зардеворга оддий усулда нақш чизишган. Яъни улар сувга ун солиб аралаштиришган, аралашма аталага айлانгандан кейин йўнилган қамиш билан бир-бирини такрорламайдиган нақшларни чизишган.

Зардевор — бу манглайқош ҳам дегани. Келин тушган уйга кирганингизда тўрга, тахмонлар юқорисига, кўндалангига илиб қўйилган бўйи энг сизроқ каштага кўзингиз тушади, яъни унинг манглайига тикиб илинган чаман сизни бир зумга бўлса-да сеҳрлайди.

Чевар чизмакашлар ҳар бир зардеворга гул солганда янги бир нусха яратганлар. Демак, қадимда ҳаваскор момоларимиз ижод қилишдан тўхтамаганлар. Манглайқош тикишдан, уни қизнинг сепага қўйишдан мақсад — бахтни ҳар кимнинг пешонасига берсин, яъни келинчақ бахтли-саодатли яшасин, деган эзгу ният бўлган. Бу ниятнинг таг замирида эса келинчақ рўзгоридидаги ҳар бир ишни ҳавас билан бажариши, очик ҳеҳрали бўлиши, турмуш ўртоғи ва унинг қариндош-уруғларини ҳурмат қилиши керак деган вазифалар ётади. Ушбу барча амалларни юракдан бажарган келинчақнинг манглайи, албатта, ярқироқ бўлади-да.

Яқинда қишлоққа бордим. Матоси уникиб кетган каштага сут солинган кади ўраб қўйилганини кўриб ичим ачиб кетди. Бу буюмни тикиш учун озгина меҳнат қилинганми? Онамнинг бувисидан қолган ушбу зардевор бит-гунча матога неча марталаб игна кириб чиққан. Унга сарфланган турфа хил ипакларни тайёрлаш учун неча кунлар сарф бўлган. Келинлардан бунинг сабабини сўраганимизда, "Бу эски, тўтиб бўлмайдиган зардевор, қатик-патик уютушга ёки тоғорадаги хамир кўпчигунча устини ёпиб қўйишга ишлатамиз", дейишди. Бу зардеворнинг матоси идраб кетган бўлса ҳам, унга тикилган нақшлар чўгдек ярқираб турарди. Ўйлаб қолдим, ярқираб турган ипакларга қайси табаррук қўллар ранг тайёрлади экан? Уларни бўйаш усуллари қанча бўлган? Ҳозирги ёшларимиз зардевор — манглайқош нималигини билишармикан? Тўри кашталаримиз ҳамон машҳур. Ёш ҳунармандларимиз турли кашта усуллари яратишмоқда. Улар ҳалқро танловларда қатнашиб қолиб ҳам бўлишмоқда. Қувонарлиси, бу миллий ҳунармандчилигимиз асосида яратилган санъат асарларимиз бугун, ҳатто

хорижликлар хонадонига кўрк бағишлаб турибди. Аммо масаланинг яна бир томони — кейинги пайтларда келинларнинг уйи тўридан ўз қўллари билан тикилган кашталарнинг жой олмаётгани кўнгилни ранжитилади. Мен бугунги кунда фақат ҳунармандларимиз эмас, барча турмуш қуриш арасида турган қизларнинг кўнглида кашта тикишга ҳавас уйғонишини, янги-янги нақшлар ижод қилишини, ҳеч бўлмаса, гул билан сайраб турган булбул суратини чизиши ва тикишини истардим. Ахир, қизларимиз бир кунда ярим соат шу ишга вақтини сарфлашгани билан уйдаги бошқа ишлар қилиб кетмайди-ку. Илгари бизнинг ёшлигимизда кашта тикишни билмаган қиз йўқ эди. Ойнахалтани эса пилладан ипак йиғириб, уларни ҳар хил кўзни олғувчи рангларга бўйаш билан машғул бўлар эдилар. Улар бўйган ипак калаваларнинг ранги ҳеч қачон ўнгиб, хиралашиб кетмасди.

Яқинда қўшимизнинг қуёш тушиб турган ёруғ жойда ўтириб кашта тикаётганини кўрдим.

— Шаҳардан келдингми, ёруғлик? — дея мен билан куюк сўрашди хола. Мени "ёруғлик" деб атаганининг ўзига кўнглим ёришиб кетди. Қишлоқдошларим ишлатадиган ана шундай сўзлар баъзи китобдаги иборалардан ҳароратлироқ-да.

— Нима тикаяпсиз, хола? — дедим. — Ойнахалта, — деди хола тикаётган чаман-чаман нақшларини менга кўрсатиб. Ёнида саккиз ёшлардаги набираси ҳам нимадир тикиб ўтирибди.

— Сен нима тикаяпсан, асал қизим? — сўрадим қизчадан.

— Гул минан капалак, — дея кешик тишларини кўрсатиб қўлди. Мен унинг тикаётган нақшига разм солдим. Нақшлари унчалик ўхшамаётган бўлса ҳам қизчанинг ёниб турган кўзларига боқиб нечадақар кўнглим! Яъни у ҳозирданок бувисининг ёнида ўтириб ҳунар ўрганапти.

— Ҳозир ойнахалтани деярли ҳеч

ким ишлатмайди, энажоним, — деди хола менга жуда чиройли чиққан ойнахалтани кўрсатаркан, — лекин ёшлигимни кўмсаб ана шундай буюмларнинг биттасини бўлса ҳам ҳар замон кўриб-кўриб қувонайин, деб тикдим-да.

Ойнахалтани кўлимга олаётсам, ундан шикрлаган десамми, шовдираган десамми, йўқ, буларга ҳам сира-

рийнинг "Ўтган кунлар" романи ёдимга тушди. Китобда шундай жумла бор: "Қумуш ўзининг исмига ўхшаи нарсанинг товуши каби қилиб қўлади". Мен бу жумлани жудаям ёқтирганимдан ёдлаб олган эдим. Қодирийдек қалби гўзал одамлар ҳамиша гўзаллик шайдоси бўлган. Эрак киши бўла туриб Қумушнинг қулгусини қумуш тақинчоқларнинг овозига ўхшатгани, ўша овоздан ҳайратланганига қойил қолмай бўладими?!

Холадан сўрадим:

— Ойнахалта қандай буюм сифатида ишлатилган ва қандай тикилган?

— Ойнахалтанинг юза қисмига жуда чиройли нақшлар тикилади. Чеккаларига қумушдан ташқари

сира ўхшамаган бир чиройли овоз чиқди.

— Бу ойнахалта четларига чандиб тикиб қўйилган қумушларнинг овози,



— деди хола менинг ажабланиб турганимни кўриб. — Адо бўлиб, ярамайдиган даражага келиб қолган жалак-бош (келинлар ёпинчиги), сочпўпак, зебигардон каби ашёлардаги қумушларни ситиб олиб йиғиб юрган эдим. Ўшаларни ойнахалтанинг чеккаларига тикиб чиқдим, бу ана шу қадимги тоза қумушларнинг овози.

Ойнахалтани кўлимга олиб синчиклаб кўрдим, уни яна шикрлатдим, беихтиёр ёзувчимиз Абдулла Қоди-

начаси, тароғи, сурмадонлари, атири ва бошқа пардозлик нарсалари солиб қўйилади. Ойнахалта ана шу нарсаларни саранжомлаб, ўзида сақлашдан ташқари, у келинчақнинг уйини безатиб турувчи санъат асари ҳисобланади. Келиннинг уйини кўришга келганлар тўй кўнлари унинг тиккан ҳамма чеварлик буюмлари қатори ойнахалтани ҳам ушлаб кўришиб, алоҳида ҳавас билан томоша қилишади.

Қадриятларимиз

қилиб пахта солишади, кўрпаларни биргалашиб қавишади. Шарофат она-никига кўрпасазонга айтилганлар орасида шу қишлоқлик Ўлмас хола ҳам бор эди. Ўлмас хола ҳеч кимни, бир зум бўлса-да, тиндирмайдди. Урф-одатларимиз бўйича билмаган нарсаси йўқ, Гап келганда ҳеч кимни аямайди. Шундай бўлса-да, қўшнилари Ўлмас хола бор жойдан қолмайди.

Иш бошланди. Катта чорпояннинг ўртасига ўтириб олган Ўлмас хола буй-руқ оҳангидега гап бошлади:

— Шарапат! Биринчи ишни меҳрибон ёстиқларга пахта солишдан бошлаймиз. Опчиқ каштали меҳрибон ёстиқларингиз!

Ҳамма анграйиб қолди. Шарапат она ҳам каловланганча:

— У қандай ёстиқ хола? — деб сўради.

— Келин билан қуёв бир ёстиққа бош қўядиган узун, каштали ёстиқни меҳрибон ёстиқ дейишади. Илгари момоларимиз келин билан қуёв меҳминан бир ёстиққа бош қўйиб ётсин, қўша қарисин, деган ниятда ишни биринчи меҳрибон ёстиққа пахта солишдан бошлашарди. Бу бизнинг энг яхши, хосиятли, ҳикматли одатларимиздан.

— Хола, магазинда сотиладиган кўпчиқ ёстиқлардан ўнга сотиб олганман, шулар етмайди-ми? — деди икки-чирала-иккилана Шарофат она.

— Эй, сен қандай энасан? — деди хола Шарофат онага тик қараганча. — Қизинг бўйи ета бошлаганданок келинлигингизда қолган ёстиқларнинг гулларига қараб, матога ҳавас минан чиройли гуллар чизиб берсанг, тикиб кўрсатсанг, қизинг шу пайтгача ҳеч бўлмаганда тўрт жуфт ёстиқ тиккан бўларди-ку? Замонавий ёстиқлардан ҳам сарпога қўшганларинг яхши, мен замонавий бўманлар демайман, сира демайман. Лекин ота-бобомиздан, момоларимиздан қолган хосиятли расм-русумлар

бизнинг илдишимиз, ахир. Томир-сиз дарахт ўсади-ми? Ҳозир тезда бозорга бориб ҳунармандлардан каштали меҳрибон ёстиқ сотиб олиб кел. Ҳозироқ ана шу ёстиқларга пахта солмасак, менинг бугун уйкум келмайди.

Шундай дея хола икки аёлни бозорга жўнатди, кейин:

— Менга қаранглари. Ўларингизга ўларингиз она ҳисоблаб юрипсиларда-а? Бугундан бошлаб қизи борлар ёстиқлик мато сотиб олиб менга келинлар, — деди хола қўлларига нина, қайчи ушлаган аёлларни ўзига қаратиб. — Қўшларингиздан келмаса, ўзим гул чизиб бераман. Бозордан ҳар хил рангли ип сотиб олиб келинлар. Тикиш ҳам қўлларингиздан келмаса, тикиб кўрсатаман. Бизнинг вақтимизда кашта тиколмайдиган қиз топиламасди. Бозордан сотиб олинган ёстиқ ва кашталарга кўпчиликнинг қўнгли тўлмасди. Худога минг шукр, ҳозир бозорда ҳамма нарса бисёр. Бу дегани — игна ушлашни эсингиздан чиқариб юбор, деганимас-ку. Чеварлики эсдан қайчириб юборганимиз учун баъзи қизларимиз тушган тугмасини тўғрилаб тикишни эпловмайди. Бугундан бошлаб мана шу ишдан қочадиган аёл қизларни кўпчиликка қўшмаймиз, икки қулқларинг билан ҳам эшитиб қўйинлар. Агар ёстиқ гулларини ўларингиз чизсаларинг — ҳар икки ёстиқнинг гули бир хил бўлсин. Бу бир жуфтлик — қўша қариш учун эзгу ният қилиш ҳисобланади. Меҳрибон ёстиқларни тахмонга, яъни санди устига йиғилаётганда ўз жуфтлари билан йиғилади. Тахмонга битта кўрпа сўнгра меҳрибон ёстиқ ў: жуфти билан тахланади. Ана шу тартибда, яъни битта кўрпа, бир жуфт ёстиқ йиғиш баландагача, яъни манглайқошга етгунча давом эттирилади. Мен момоларимиздан қолга "Битта қизга қирқ уйдан тийув" деган мақолни ҳам асё эсдан чиқармайлик дейман. Бу қадимдан ҳозиргача ҳам кўпнинг фикри бўлган ҳақ гап. "Қўннинг фикри қўл — хосияти мўл" дейдилар.

— Тўғри, — дейишди аёллар ерга қарашиб.

Шарофат онаникида "Кўрпасазон" яхши ўтди. Ўлмас холанинг қаттиқ-қаттиқ, лекин тикансиз гаплари йиғилган аёллар учун катта мактаб бўлди.

Сайёра БЕКМИРЗАЕВА, журналист

УЧРАШУВЛАР, ТАДБИРЛАР

АНДИЖОН. Олтинқўл туманидаги Саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида Олтинқўл қишлоқ фуқаролар йиғини ёшлари билан "Эртанги кун бизники, марра бизники" мавзусида учрашув ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, "Ёшлик" журналининг бош муҳаррири Нодир Жонузоқ, шоира Хуршида ва бошқалар иштирок этдилар. Сўзга чиққанлар мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, халқимиз турмуш тарзининг юксак даражага кўтарилаётгани, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик ва унинг қадрига етиш, олдимида турган долзарб вазифалар ҳақида сўз юритдилар. Тадбир сўнгида ёшларни ҳушёрликка ва мушоҳадага чорловчи "XXI аср фитнаси" номли филм намойиш этилди.

Андижон шаҳридаги виллоят кўп тармоқли тиббиёт марказида Ўзбекистон санъат арбоби Олимжон Холдорнинг "Мингой" номли китоби тақдими бўлиб ўтди. Учрашувда сўз олганлар устоз шоирнинг ушбу янги китоби ҳақида самимий фикрларини билдирдилар.

НАВОЙ. Кармана шаҳридаги ҳарбий қисмда бўлиб ўтган "Аскарлар — ишонч тоғларимиз!" номли адабий-маърифий тадбирда Ўзбекистон уюшмаси виллоят бўлими раҳбари Б.Садриддинов, таниқли шоирлар Сирожишдин Рауф, Норқоли Жалил ва ёш қаламкашлар она Ватан, Истиқлол ва бунёдкорликка бағишланган шеърларидан ўқиди.

Шундай учрашувлар Навоий давлат педагогика институтиди, Навоий шаҳридаги индустриал, Нурота туманидаги қишлоқ хўжалиги ва Хатирчи агроиктисодиёт, Қонимех иқтисодиёт касб-

ҳунар коллежларида, Қизилтепа туманидаги 12-мактабда ва маҳалла гузарларида бўлиб ўтди.

"Яхё бобо" ва "Ҳашман" фермер хўжалиқлари аъзолари ҳамда аҳоли вакиллари ҳузурида адабий-маърифий давра суҳбатлари уюштирилди. Унда мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларида Бош қомусимизнинг тарихий аҳамияти ҳақида фикр юритилди.

Адабий-маърифий тадбирлар шунингдек, Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида, Қизилтепа туманидаги "Юксалиш Осий" фермер хўжалиги аъзолари ҳузурида, Навбахор туман халқ

Ёзувчилар уюшмаси виллоят бўлимида

таълими бўлимида, Хатирчи туманидаги илғор "Сиддик бобо" фермер хўжалиги ва турли ўқув даргоҳларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

БУХОРО. Бухоро давлат университети қошидаги 4-сон академик лицейда "Ким эдигу ким бўлди" гоёси илгари сурилган мулоқот ва адабий-маърифий учрашув ўтказилди. Унда иштирок этган ижодкорлар томонидан ёшларимиз олдида турган муҳим вазифалар: ҳар лаҳза оғоҳ бўлиш, илм-тафаккур қўққиларини забт этиш, халқимизга хос миллий қадриятларни асраб-авайлаш ҳақида гапирилди. Тадбир шоирлар мушоирасига улашиб кетди.

Бухоро шаҳридаги ҳарбий қисмида, Бухоро давлат университети қошидаги ҳамда Бухоро муҳандислик-технология институтини қошидаги 1-сон академик лицейларида, Бухоро юридик коллежида "Ватан ҳимоячилари қуни"га бағишланган учрашувлар ўтказилди.

Бухоро муҳандислик-технология институтини

қошидаги 1-сон академик лицейда ўтказилган "Дил изҳорим сенгадир, Ватан!" деб номланган маърифий анжуманда шоирлар ҳамда лицей ўқувчиларининг ватанпарварлик руҳидаги шеърлари янгради. Тадбир доирасида маърифий филм намойиш этилди.

ҚАШҚАДАРЁ. Қарши давлат университетидида ўтказилган "Истеъдодли ёшлар — юрт таянчи" номли адабий байрамда "Ёшлик" журнали таҳририяти вакиллари билан учрашув бўлди ва воҳада ижод қилаётган ёш шоирлар ўз ижодларида намуналар ўқидилар. Университет қошида "Ёшлик илҳомлари" деб номланган адабий-ижодий тўғарак ташкил этилди.

ФАРҒОНА. Виллоят педагог ходимлари ва ўқитувчилари малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш институти, Фарғона давлат университети ва Фарғона политехника институтида,

Марғилон шаҳар "Ариқ бўйи" ва "Тоғлик" Маҳалла фуқаролар йиғинларида уюштирилган тадбирлар "Тинчлик, омонлик ва юрт осойишталиги" мавзусига бағишланди. Унда "Олтин қалам" ва Жаҳон отин Увайсий номли адабий тўғарак аъзолари иштирок этдилар.

СУРХОНДАРЁ. Термиз шаҳар Адиб Собир Термизий номидаги ахборот-ресурс марказида "Биз ёшлар диний экстремизмга қаршимиз, биз тинчликда улғаймоқдамиз" мавзусида суҳбат ўтказилди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, танқил шоирлар иштирок этишди.

Термиз шаҳридаги "Ёшлар маркази"да бўлиб ўтган "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним" мавзусидаги ижодий учрашувда ижодкор ва иқтидорли ёшлар маънавият, адабиёт ва шеърят борасида фикр алмашдилар.

(1996), "Висол хабари" (2002), "Юлдуз" (2007), "Қўнглим куртаклари" шеър китоблари, "Саодатга элтувчи қудратли куч" эсселар тўплами чоп этилган. Бобораҳмон Машраб руҳиятига бағишланган "Қайғу гули" достони нашр этилган.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон, таниқли адиба, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шарифа Салимова ва бошқалар Минҳожиддин Мирзониинг ижоди ва фаолияти ҳақида сўзладилар.

Ахборот хизмати

ҲАРОРАТЛИ СЎЗ ТАРОВАТИ

Ёзувчилар уюшмаси қошида очилган "Ижод" китоб дўкони ва Уюшма кутубхонаси, шунингдек, бошқа маърифат масканлари, ахборот ресурслар марказларида янги китоблар тақдиротлари, ёзувчи-шоирлар билан адабий учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири шоир Минҳожиддин Мирзониинг яқинда "Тафаккур" нашриётида чоп этилган "Гуллаш пайти келди, боғларим" тўплами тақдироти-га бағишланди.

Тадбирда юртимизнинг таниқли адиблари ва адабиётшунос олимлар ҳамда адабиёт мухлис-лари иштирок этдилар.

Адабий кечани Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али очиб, ҳозирги адабий жараёндаги янгиликлар, мамлакатимизда кечаётган ўзгаришларда ижод аҳлининг иштироки, бир қатор пешқадам ижодкорлар ҳукуматимизнинг юксак мунозаралари билан тақдирлангани, бу адабиётимизнинг тобора ривожланаётганининг мисоли экани ҳақида гапирди. Шу нукта-назардан қараганда, шоир Минҳожиддин Мирзониинг сайланма китоби "Гуллаш пайти келди, боғларим" деб номлангани ҳам бежиз эмас. Шоирнинг "Нилуфар"

Тақдирот

УМИДЛАРГА ЙЎҒРИЛГАН УМР

Бошланиши биринчи саҳифада.

У кунларни ҳам кўрдик. Сўнғ, мана, пешонамизда бор экан, Яратганинг яхши кунларига, бугунгиди эмин-эркин замоналарга ҳам етдик. Қишлоғимиз обод бўлиб, шаҳарга қўшилди. Уйларимиз, кўчаларимизни қаранг: буларни кечаги кунга таққослаб бўлмайди. Аввал набираларим айтишган эди: маҳалламиз четидан шаҳарнинг катта халқа йўли ўтибди. Қуни кеча яна янгилик топиб келишди: шу ўзимизни ёнгинамиздан оқиб ўтган, Қашқадарёни икки қирғоғи одамлар дам оладиган, болалар чўмилидиган, катта қайиқлар сузадиган зўр бов бўлаётганмиш. Насиб қилса, етти ухлаб тушимизга кирмаган бундай ободликни ҳам кўрарканмиз-да. Ана замон, мана замон. Етказганига шукр!

— Мустофа бобонинг набиралари бугун қандай ишлар билан шуғулланишмоқда?

— Невараларимни айтаяпсизми? Ҳа, уларга ўша бобосидан ўтган-да, бири тадбиркор, яна бири ҳунарманд, ҳеч кимдан ками йўқ. Уйи обод, рўзғори бут. Боболари туя миниб ёлчимаган эди, улар бўлса, шамолдай еладиган қўша-қўша мошин миниб юрибди. Юртнинг эгасига раҳмат, меҳнат қил, меҳнатингнинг рохатини қил, деяпти. Ҳалол яшаб, бойлигини ни ошир, каллангни ишлат, ҳунарингни ишга сол, ҳеч кимдан кам бўлма, бева-бечораларни ҳам унутма, деяпти. Бундай замон ҳеч бўлганими, ахир.

Келинларим мени ҳурмат қилади, рўзгорингиз ҳамма ишини ўзлари саранжомлашади, яна бири ўқигча, бири ишга ҳам бориб келади, мен невараларим билан андармон бўламан. Шундай бўлса-да, уларнинг ҳамир қориши, тандирга нонни қандай ёпишини зимдан кузатиб тураман, биламганларига ўргатаман. Яқин-яқингача бичиш-тикишни ўзим қилардим, ҳозир кўзимни аяйман...

Ибодат момодан "Соғлигингиз



қандай, баъзан неваралар чарчатиб қўйишмайдими?" деб сўраганимизда қизлари жавобга шошилиди: "Онам сиҳатлигидан шикоят қилмайди, уқол, дориларни эса мутлақо олмайдими". Сўнгра "Қўп яшаб бахтли кунларга етиб келганингизга шукрона айтаяпсиз, онахон, айтинг-чи, узок умр қўришингиз сири нимада?", деб сўраймиз.

— Болам, меҳнатдан қочмаган, кам уқолаб, кам гапирган одам тез қаримайди. Яна тўғри яшаб, тўғри ҳаёт қуриш, покиза кун кечиришда ҳикмат қўл. Мен беш вақт намозни қанда қўлмадим. Ҳамиша яхши ниятда бўлганман. Яхши ният одамни ҳар қандай оғирчилик, машаққатлардан олиб ўтади, яхши даврларга ҳам етказилади. Етказганига шукр!...

Ҳар бир сўзи ҳикмату ҳаёт сабоқларига тўлиб-тошган 108 ёшли Ибодат момо ҳузуридан қайтарканмиз, онахон дуога қўл очиб, халқимизнинг тинчлигига элимизнинг ободлигига қўлдан-қўп шукрона айтиб, юрт раҳнамоларига узок умр тилади. Бизларга ҳам "Йўлларинг ойдин бўлсин, болаларим", деди.

М.АБДУЛЛАЕВ

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик ҳамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант лойиҳаси асосида тайёрланди.



Халима АХМЕДОВА

КЕЛАЖАКНИНГ БЕШИТИНИ МЕБРАМТУВЧИСА

ЯНГИ ЙИЛ УМИДИ

Кўёш соғинчи бор бутун кўнглимда
Ва яна бир ҳаёл — кўйлаги гулдор.
Деразани эса моҳир наққошдай
Кўли қўлга тегмай безаётти қор.
Қизил атиргўлдай хушбўй юрагим —
Байрамга талпинган қизалоқ мисол —
Талпиниб чарчамас янги кун томон.
Ва уни танимас изғирин шамол...
Кун совук,

увишар, тириклик эти.
Ва елкамда осмон олади нафас,
Гулдор кўйлагини кийиб ҳаёлим —
Кўёш соғинчига кетар қасдма-қасд.
Кимдир сим қоқади соғинч юртидан:
— Янги йил келаяпти, ахир, янги йил...
Туринг, дарахтларнинг қалбига боринг,
Ҳаяжондан телба бўлаяпти, дил...
Дейман:

— Қайси йўлдан келар янги йил? —
— У умид йўлидан келипти масрур,
Наҳот, сезмайсиз янги ҳавони.
Наҳот, дилингизда сўнган барча нур...
— Йўқ, йўқ, кўнглимда бор кўёш соғинчи
Ва ҳали сўнмаган ишқ талвасаси.
Икки елкамда жуфт фаринга мисол —
Парвозни ўргатар осмон нафаси...
— Жула соз, яшашдан чарчаманг, эй дўст,
Дарёдай маст бўлсин сиздаги кўнгли,
Эзгулик базмида кўришгаймиз боз,
Янги йил келаяпти, ахир, янги йил...
Гўшаки қўяман,

Умид васлида —
Жонимнинг ичида бошланар турғи.
Кўзимнинг олдида тиклайди қаддин —
Эгни-бошин қоқиб, йиқилган жаҳон.
Қайтадан севаман тирикликни мен,
Боқиб шодлигининг даричасидан.
Ва баҳор сувратин кўриб қоламан,
Айланиб учаётган қор парчасида.
Ва дейман:

Яшамок — баҳордай яшил,
Тупқушлик кўзгусин синдириб чил-чил,
Нажот бор олдинда

Ва сўлим ишқ бор,
Янги йил келаяпти, ахир, янги йил.
Сен ҳам дўст бўлишни ўрганган, ганим,
Мен ҳам ювай дилдан қора гуссани.
Кел, бирга кўнглининг томорқасида
Ундирайлик меҳр деган майсани.
Топайлик "Мен борман" деган ёзувни

Жилмайган саҳарнинг пешонасидан
Ҳар кунни, лаҳзани тортиб олайлик
Оқибатнинг қадим афсонасидан...
Шодлик қўлчаларни улашайлик боз,
Қувончга очикдан маънос дилларга.
Ўзимизни бошлаб келайлик яна —
Кўёш муҳри қолган таниш йўлларга.
Ерга нур экатган қорини кутлайлик,
Ва дейлик:

— Сафаринг бўлсин бехатар.
Деразадан боққан мусичалардан —
Сўрайлик: Тилингда қандай хушхабар?
Ҳаяжон тўлқинин эркалат, эй дўст,
Ва совуқнинг иссиқ кўйин тинглайлик,
Умид йўлларида Ўзбекистонга —
Кириб келаяпти, ахир, Янги йил!

ТИНЧЛИК

Тонг чертганда қишнинг биллур даричасини,
Нур қўшлари кипригини силаб ўйотди.
Ял-ял ёнар ҳаёт қумуш либосларида,
Шукр,
Ҳақнинг яна дилкаш бир тонги отди.
Ташқарида келар яна иссиқ бир овоз:
"Сут сотаман, қаттиқ билан тоза қаймоқ бор..."
Ва келди,

Кўёш сари одимлаётган,
Майса саси, гарчи ҳали олисда баҳор.
Ҳамма-ҳамма йўлга тушар орзулар билан,
Мен ҳам чикдим,

моий, тиниқ тонг сафарига.
Шошилан тирикчилигим кўйини учун боз,
Нукра кийган ширин ҳаёт хушхабарига.
Бир қизалоқ онасининг қўлидан ушлаб,
Кетиб борар қўнғанча меҳр томонга.
Кимдир яна уфқ тўла нигоҳларини
Осиб кўйиш қадимдан-да қадим айвонга.
Оилалар очар ризқининг дастурхонини,
Нонуштага ичилади умид шарбатини.
Сўнг кўзларга суртишади шукроналикни,
Ҳаққа етар бу дунонинг яшил қаноти.
Тупроқ хушфез, осмон хушбахт шивирлашади,
Иссиқ нонлар узилар юрт тандирларидан.
Шўх болакай қайноқ Ернинг шаклини эпчил
Қордан ясаб тортиб олар,

Қишнинг қаъридан.
Кўча тўлар салом-хайрининг ҳароратига.
Кўнгли сўрар бир-биридан таниш-нотаниш.
Юрагидан меҳр гули очилган элнинг
Олдида хўп изза бўлар,

Улади қиш. Шу

қайтунимча етарди.

Энди-чи?!

...Бир дам ҳаёлларимни жамлаб, бесабр-
лик билан шофёрдан машинани тезроқ ҳай-
дашини сўрайман.

Ҳарқалай, бобо, момолардан сабрни
ўргансак кам бўлмаймиз, бироқ нима қилай,
ҳозир фақат улгуришни уйлаётиман. Аслида,
йўлда ҳайдовчини шошириш яхши-
ликка олиб бормаслигини биламан.
Нотуқлиқ одамни не кўйларга
солмайди. Ота-боболаримиз уруш
махаллари бир бурда нонга ҳам зор бўлган-
ку, ахир! Кўклам келса, қирларга чиқиб ризқ
қидирган.

Ватан озодлиги учун жонларини тикишган.
Энамнинг (кеча тирик одамни бугун раҳ-
матли дейишга тилим бормайди) қотган нон-
ни чойга ботириб, маза қилиб еб ўтиргани-
ни кўп кўрганман.

— Қанийди, тандир сомса бўлса, одамнинг

Йўлакларда аста-аста одимлаб шодлик,
Жарчи бўлиб тарқатади тўйнинг номасин.
Дарахтларга ўргатади мумтоз шамоллар,
Ўзбекча куй, оҳанг билан бахт таронасин.
Барча қўшлар гурунглашар кўёш тилида.
Келин бўлиб тушар омад ҳар хонадонга.
Белбоғига янги куннинг орзусин тугиб,
Кексалари боришади яйраб меҳмонга.
Иссиқ ноннинг ҳили каби тансиқдир жуда,
Хотиржамлик туйғусининг дилда ияши
Ва эзгулик дуосига ўхшайди жуда.
Мунис, азиз оналарнинг юрак уриши.
О, мен яна кўз тутаман ишонч йўлга,
Ва кўнглимни айламоққа сен учун тортиқ.
Сен — тунларнинг қанотидан тўқилган шеърим,
Ҳеч мўъжиза кўрмдим мен сеҳрингдан ортиқ.
Илк севгисин юрагидан пинҳона тутган
Сен — ўғлимнинг кўзларида ўйнаётган нур.
Ва дунёга қимлигини кўрсатаётган —
Миллатимсан — ҳақиқатга қараган мағрур.
Сен — кайвони момом, тўю томошаларда
Халққа оппоқ парваридлар, ҳолва улашган.
Қадрийдлар, Чўпонимдан қолган ёлғорсан —
Шу эл учун жонин бериб ёниб курашган.
Мен ҳам борай,

Тўмарисдан мерос юракни
Токи гулдек қадаб чиқай юрт сарҳадига.
Токи сенинг қадринг ҳаққи,

Ҳурматинг ҳаққи,
Жон муҳрини босай ёруғ кун тилхатига.
Келажакнинг бешигини тебраттувчисан,
Умид боғин кўқартирган ҳам нурли бобгон.
Илдизлаб ўс, шу Ватанинг хужайрасида
Ва хавотир зулматидан қолдирма нишон.
Осмон зангор тортиб борар,

қиш ўртасида —
Зарбоф тўнин кияр кўёш қадим элчидек.
Она халқим севар сени,

Сен ҳам уни сев,
Сенга ошиқ Ватанимдан кетмагин Тинчлик!

Ҳ.АХМЕДОВА 1960 йилда Бухоро вилоя-
тида туғилган. ЎзМУнинг ўзбек филологияси
факултетини тамомлаган. Шоиранинг
“Кўзимнинг тили”, “Тунги марварид гуллар”,
“Шафақ ибодати”, “Афсун” сингари қатор
шеърый китоблари нашр этилган.

Хикоя

етмаслигини билмаганимда, балки туриб
соатни кўриб келиб айтаяпти, деб ўйлардим.
Одатда ошхонага чиқиб, тун бўйи китоб
ўқирдим. Келаси йили ўқишга киришим ке-
рак эди-да. Шундоғам уч йил лицейда ўқиб,
институтга киролмаганимдан, қишлоқдошлар
олдида юзим шувут бўлган. Тўй-маъракага
чиқишга ҳам уяламан.

Энамни кўргани келган мо-
молар “Болам, сен ухламайсан-
ми?!” деб сўрашарди. Баъзида
энам билан гурунгимиз азонга-
ча чўзиларди.

Мен ҳам энамга қарардим, ҳам ўқишга тай-
ёрланар эдим. Энам ётган хонага ҳисобсиз
хисобсиз қувват йиғилгандек туюлар, қанча
мутаола қилмай, чароқ нималигини сезмас-
дим. Хонадаги ҳар бир жиҳоз кўзимга жуда
иссиқ кўринар эди, десам, эҳтимол, ишон-
масиз: кийим илгичдан тортиб тоқчаларда-
ги сандиқларгача. Улар ҳар ҳафта бир бор

артилмаса, бас, ўргимчак
тўри деразани чирмаб таш-
ларди.

Қўшни хонада дарс тай-
ёрлаб ўтирганимда, “тўқ-
тўқ...” этган товуш эшитил-
маса, югуриб чиқардим. Энам
хассаса таянар, мен эса
қўлидан ушлаб, қўлтиғидан
олиб тоза ҳавога чиқардим.
Кейинчалик, бунга ҳам
қурби етмай қолди. Жойи-
да ихраб-инграб ётар, мен
тез-тез деразадан қараб,
қулоқ солиб келардим.

— Берган дардинга ҳам
шукр, — деган ингркок овоз эшитиларди ич-
каридан...

Наҳот, энди ҳаммаси хотирага айлانган
бўлса. Одамзод деганлари шуми. Юрагим
сиқилади: “Ҳеч бўлмаса нурли чехраларини
кўриб қолишим керак”.

Хайдовчига ўтин билан нигоҳимни қадай-
маман. У мени тушунгандек бош иргайди. Шун-
доғам шаҳардан чиққанимиздан бери спидо-
метр “юз”дан камини кўрсатгани йўқ. Маши-
надан тушиб, югурсам тезроқ етиб борарми-
кинман...

Энам бир оқшом ётиш олдида менга сан-
дўк устидаги кўрпаларни туширтирди. Кўл
қўзса етадиган жойда турадиган сандиқчанинг
ичида катта-кичик тугунчалар, қорайиб кет-
ган қоғозлар, эски-туски, турли-туман ашё-
лар бор экан.

Уларнинг тагидан қоғозга ўроғлиқ нимани-
дир олди.

— Ўғлим, мен бунини ўзим ўзимдан ўғирлаб

Тиловберган Жумамуратов деганда қорақалпоқ хал-
қининг қадимги кўшиқлари, жировлар юрак-юрагидан
тўлганиб, бўғзидан бўтадек бўзлаб айтадиган тўлғов-
лари эсга тушади. Тўлғовда оҳанглар тўлқинлардек
тўлғанади, товушлар тебранади. туйғулар таранг тор-
тилган камоннинг ўқидек тингловчилар юрагига қараб
чинқириб учеди. Ҳикматга айланиб кетган сўзлар халқ-
дан чиқиб, халққа қайтади. Тиловберган Жумамуратов
ана шу оҳанглари шеърга солиб қуйлади.

Шу кунларда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ
шоири Тиловберган Жумамуратов таваллуд тоғганига
100 йил бўлди. Шу муносабат билан шоир туғилиб ўсган
Мўйноқ тумани ва бутун Қорақалпоғистон бўйлаб шоир шеърятининг мух-
лислари даврасида адабий анжуманлар бўлиб ўтди. Шоир ҳаётининг сўнги-
да ёзган “Ризолашув сўзи” номли шеърисида:

Бу дунёда мингта кирган одам йўқ,
Куйлаб ўтсанг, эл унутса, шул ёмон —

деб ёзган эди. Тиловберган оғадан катта адабий мерос қолган. Эл-юрт
юрагидан жой олган шеърлари куйга солиниб, хонандалар томонидан ижро
этиб келинмоқда. “Қорақалпоғистон” нашриётида шоирнинг “Оролга кел-
дим айлаиб” номли салмоқли шеърый тўплами нашр этилди. Ушбу китоб-
даги шеърлардан қилинган янги таржималар қорақалпоқ адабиёти мух-
лислари эътиборига ҳавола этилмоқда.

Тиловберган ЖУМАМУРАТОВ,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири

ЭЛ БОР ЕРНИНГ КҮНИ БОР



ЭГИЗАК ОҒА-НИ

Тоғ бор ерда булоқ бор,
Кўз бор ерда қулоқ бор.

Қулоқ бор ерда кўз бўлар,
Эл бор ерда сўз бўлар.

Пاختа бор ерда чигит бор,
Қиз бор ерда йигит бор.

Кўл бор ерда балиқ бор,
Дарё бор ерда халқ бор.

Кун бор ернинг тўни бор,
Эл бор ернинг кўни бор.

Совуғи бўлар иссиқнинг,
Ўйлаб қаранг қиш кўнини.

Оқил бор ерда нодон бор,
Яхши бор ерда ёмон бор.

Йўрға бор ерда йўртоқ бор,
Ботир бор ерда қўрқоқ бор.

Кўчи бор ерда бошич бор,
Чучук бор ерда аччиқ бор.

Тўй бор ерда жиров бор,
Аза бор ерда жиров бор.

Қилмиш бор ерда жазо бор,
Жон бор ерда қазо бор...

Шодлигун бам байини
Эгизаклар, оғайни!

ТҮРТЛИКЛАР

Одамзотнинг гўзаллиги юракда,
Гўзаллик йўқ мева тугмас теракта.
Дунёнинг хуснига кўрк, чирой қўшган
Чин гўзаллик меҳнатсевар билакта.

Айтиб берган номаъқулни, маъқулни,
Кўриб турган йироқ билан яқинни.
Донишмандлар давлатини сақлаган
Сирдош этдим китоб деган оқилни.

Биров ўйлар гавҳар бор деб очунда,
Биров ўйлар пўлат бор деб кучимда.
Ўзини қўён санайдиган одам йўқ,
Арслон ётар ҳар юракнинг ичинда.

йиққанман. Ол, яшириб қўй, устига қўша ол-
санг, қўш. Бирор яхши кунингга яратарсан.

— Эна, мен нима қиламан бунини? Ўзингиз
ишлатинг, — дедим.
— Меники табаррук, болам. Неча кунлик
умрим бор? Олиб қўявер, ҳали айта-айта юра-
сан.

Энамнинг нимтабассум балқиб турган
сўлгин юзларига қараб, раъйини қайтарол-
мадим. Ўша оқшом тонггача киприк қоқмадим:
энамга бир гап бўлиб қолса нима қиламан?...
Баъзида келинлари энамга эшитирмай
“Қанча ишим қолиб кетди”, дея мингирла-
ганини эшитиб қолсам: “Энамни бир умр
сизларга боғлаб қўймагандир, дуосини
олиб қолинглар”, дегим келарди, бироқ ти-
лимни тиярдим. Ҳаёлимда сирни очиб
қўйсам энам кетиб қолдигандек.

...Кўзимга ёшим, бўғзимга товушим ти-
қилиб, уйга кириб бордим. Йилгай десам
овозим чиқмасди. Ўша кадрдон хонага оти-
либ кирдим. Чугурлашиб ўтирган хотин-ха-
лаж жим бўлиб қолди. Ўзимни ўнглаб олгу-

Тишинг йўғ-у, тилинг билан чопасан,
Ким дуч келса, бир айб такаб қопасан.
Тирикликда ёқтирмасанг ҳеч кимни,
Ўлгандан сўнг қайдан яхши топасан?!

Бирови тез, биров секин қотди сўз,
Биров айтди қатти сўзга қатти сўз.
Бировларга тилинг билан ўқ отиб,
Сўнг улардан кутиб юрма тотли сўз.

Биров нон ҳиллабди ичиб шаробни,
Солда кампир ҳайрон бўлиб қарабди:
— Кўп ичгандан тополмади оғзини.
Кўрдингми? — деб келинидан сўрабди.

Қариб қуйилмаган бир кун йилгайди,
Ёш ўтса ҳам эс-хўшини йиғмайди.
Жонни қийнар икки ёрга югуриб,
Икки тарвуз бир қўлтиққа сиймайди.

Кўзни тортар сулув қизнинг жамоли,
Гоҳ довул, гоҳ сабо севи шамоли.
Одам учун муҳаббатсиз ҳаётнинг
На таъми бор, на тизи бор, на боли.

Муҳаббат қарамас қарига, ёшга,
Бироқ ҳар фаслнинг шамоли бошқа.
Муҳаббат қадрини билмаганлар бор,
Манглайи “тақ” этиб теккунча тошга.

Тун-кечалар оқаргунча узоқ тонг,
Минг бир ҳаёл бир-бирини узатган.
Гоҳо мени қанотига миндириб,
Парвоз этар қўш етмаган узоқдан.

Нега нукул енгил ишга чопарсан?
Роҳати бор қўл меҳнатдан қабарса.
Алчиқ меҳнат кўрмади ширин ҳаёт йўқ,
Тунсиз кунни, айт, қаердан топарсан?!

Меҳри кучли оғани
Кўзларидан танирсан.
Ақли ортиқ донони
Сўзларидан танирсан.

Қорақалпоқ тилидан
Рустам МУСУРМОН таржималари.

Т.ЖУМАМУРАТОВ 1915 йилда туғил-
ган. ЎзМУда таҳсил олган. “Юрак
муҳаббати”, “Тўлқинда”, “Оролга кел-
дим ўралиб” шеърлар тўпламлари, “Қиз-
лар ҳазили” драматик асар муаллифи.

нимча қабрбошига кетганлар қайтиб кела
бошлади. Ҳовлини йиғи товуши тутди...

Бу воқеага ҳам ўн йилдан ошди. Бироқ
менинг ўй-хаёлимда энам тирик. Ҳозир ҳам
ўша кадрдон дераза олдида ўтсам, хона-
сининг нимхира ойналаридан ичкарига
мўралайман. Беғубор ёшлигимнинг файз-
ли кунларига гувоҳ хонадан энамнинг меҳр
тўла маҳзун овози эшитилгандек туюла-
ди. Беҳитиёр болаликка қайтгандек, момо-
ларнинг ҳикмат булоғидан сув ичгандек
кўнглим тозарди.

А.НОРҚУЛОВ 1984 йилда Жиззах ви-
лоятида туғилган. 2002–2006 йилларда
Ўзбекистон Миллий университетининг
журналистика факултетини таҳсил ол-
ган. “Олтин кўприк” ёш ижодкорлар
тўпламида ҳикоялари билан иштирок
этган. Айни пайтда “Ватанпарвар” га-
зетасида хизмат қилади.

Йўл-йўлакай бир нимани ўйлаб, ҳаёлим-
ни чалғитай дейману бироқ шунга ҳам тоқат-
ни етмайпти. Қанотим бўлса учсам — бир
зумда тоғ этагидаги уйимизга етиб борсам...

Телефон қўнғирогининг беозор товуши
кўнглимга ғулуғла солди. Ҳаёлимда фақат:
“Улгуриш керак” деган фикр. Машина ўрни-
дан жилиши билан хайдовчидан тезроқ ҳай-
дашини ўтиндим.

Машина ойнасидан ташқарини жим куза-
тиб кетяпман, қўшиқнинг сўзлари диққатим-
ни тортади: “Момолар хикмати, сўзи бор
жойда, Менинг айтганларим бариси майда...”
Беҳитиёр ичимда тақорролай бошлайман:
“Момолар хикмати, сўзи бор жойда, Менинг
айтганларим бариси майда...”

Ҳа, билиб айтилдики. Энамнинг ҳам ҳар
бир сўзи хикмат, ҳар бир қадами ибрат эди.
Сўнги бор кўрганымда оғриқ зўридан ғуҷа-

Азиз НОРҚУЛОВ

ДЕРАЗА ОРТИДАГИ НИТОҲ

нак бўлиб қоларди. Сал ўзига келган, “Бер-
ган дардинга ҳам шукр”, деб қўярди.

Ушандан бери орадан қирқ кеча-кундуз
ўтибди. Нега истихола қилдим, билмайман.
Хайрлашаётганимда, маҳкам кучиб меҳрим-
ни изхор қилмайманми?! Тўйиб олмайманми
меҳрларига.

Балки ёнидан жилмай ўтирган аммадан
уялгандирман. Лекин берган пулларини
олишга уялладим-ку? Энам меҳрини шундай
ифода қилганимми?!

Ушанда туз тотмай қўйганига бир ҳафта-
дан ошганди. Шўрвадан озгина тотинарди.
Амма лаблари қуруқлаб қолмасин, деб сув
томизади. Ҳоли келса бир оғиз гап қотди.
Бирор жойда таъзия бўлиб қолганини эшит-
са, ўзи бир ахволда ётганига қарамай, у дунё-
га рихлат қилганини эслаб кетади.

Бир ҳафталик таътилдан сўнг яна ўқишга
отландим. Азонада хайрлашаиш учун энам ётган
хонага кирдим. Ёнига имлаб чакирди.

— Мана бунини ол, — деди секингина.
— Қўйинг, эна, пулим бор.
— Меники табаррук олавер, болам.
— Эна, ишга кирганимни айтдим-ку. Энди
ҳам ўқиб, ҳам ишлаппман.
Гапга амма қўшилди:
— Қўлини қайтарма...

Энам мени узоқ дуо қилди. Одатда қўл-
ларига сув қўйганимда “Ҳали бу кунларни айта-
айта юрасизлар, ўқининг ҳам давлат ўқита-
диганига кириб кетасан”, дерди. Мана, айт-
ганлари ижобат бўлаяпти. Хонадан ҳовлига,
ҳовлидан кўчага чиқарканман, гўё бир куч
мени даст кўтариб кетаётгандек туюлар, мен
ичимда: “Бу энамнинг дуосининг кучи”, деб
ўйлардим. Ана шу қувват менга қишлоққа

кўнгли баъзан кабоб ҳам туса-
б қолади, — дерди ва ўзининг га-
пидан хижолат тортармиди: —
Ўғлим, бу ҳам бир гапда, етказ-
ганига шукр. Менинг энг давру
даврон сураётган пайтим
ҳозир, — деб қўшиб қўярди.

На келинларини, на ўғилла-
рини қойганимни ҳечам эшит-
маганман. Ёлгон бўлмасин,
амаким ёки дадам ичиб келса:
— Ҳа, питимингга (бити-
мингга, қилиғингга демокчи)
шамол, — деб қўярди.

Энам билан бир хонада ух-
лардик. Бунини билан ишлаб,
чарчаб қотиб ухлаб қолган амакимни мулой-
им гаплар билан уйғотиб хонасига чиқариб
юборгунича вақт алламаҳал бўларди. Бундай
кезларда энамга меҳрим жўш урар, ҳаёлим-
дан ўтган ўйни тортинмай айтардим, энам
йўл-йўриқ кўрсатарди. Гап орасида дардини
ёриб қоларди:

— Мана, Марзиянинг шу қишлоқда туриб,
келмаганига ўн саккиз кун бўлди, қўшни қиш-
лоқдан Замира қизининг келиб-кетганига етти
кун бўлди. Софияни кўрмаганимга бир ойдан
ошди. Мария-ку бир йилда аранг бир келади.
Унга ҳам қийин, олисга узатганимиз-да.

Ҳисобдан биз адашсак адашардик, энам
адашмасди.
Бирор жойга бормоқчи бўлиб, эрталаб
фалон

ОЙ ГЎЗАЛМИ, КУН ГЎЗАЛ...

Адабий жараёнда ажиб бир жонланиш кузатилаётир. Хусусан, танқид ва адабиётшунослик йўналишида етук олимлар, нуктадон шоир ва ёзувчиларнинг майдонга тушайтганлари қувонарли ҳол. Чунончи, филология фанлари доктори Баҳодир Каримов ана шундай олимларимиздан.

У унча-мунчага матбуот ёки минбарга чиқармайдими. Чикса ҳам, салмоқли бир тадқиқот тўхфа этади, бўладиган, дангал гапни айтади, олий ўқув юртида ишласа ҳам, изланишлари академик илмий тадқиқот услубига мос. Унинг "Бир товуш ташвиши" сарлавҳали мақоласи ("ЎзАС", 2015 йил, 16 октябрь сони) ҳам игна билан қазилган қудуқдан бир томчидек. Шу боисдан бу мақолани эътиборсиз қолдира олмадик.

Мақоладаги ҳамма фикрлар тўғри, жуда яхши ва етарли далилланган, ишонарли исботланган. Фақат "Ой" ва "Кун" образлари ҳақидаги фикр бир оз мунозарали туюлди.

"Ой — қундан нечук аъло бўлсин? Бу "аъло"-лик қандай маънога эга? Зўрма-зўраки шарҳланса, дейлик, "ой-кун бир-биридан яхши бўлади", деган маъно чиқади ва бу маъно бирмунча мужмал. Махтумқули ўқувчи англаши қийин бўлган бундай мажҳул, паллапартиш мисралар ёзган эмас", дея баҳс очадил олим. У ўз даъвосини Махтумқули асарлари нашрлари, танқидий матнда "алиф" ва "айн" ҳарфларининг қўлланиш хусусиятлари билан қиёсий асослайди. Ниҳоят: "Мулоҳаза шуки, — дея хулоса чиқаради, — ушбу мисранинг тўғри таржимаси "У Ой-Кундир бир-биридан оладир" тарзида бўлиб, бундаги тушулча вақтга эмас, осмондаги Ой ва Кўёш жисмларига оид. Фикр оқими Ойнинг Кўёшдан нур олиши томон йўналтирилса, шеърдаги маъно "аъло"-лик қатнашган мавжумликдан кўра, мантқан чўқурлашади ва мисра асл матнга мослашади". Заргарона нозик нигоҳ билан ёндашилган. Шунинг учун ҳам исбот ва хулоса жуда ишонарли чиққан. Бироқ шу ишонарлиликнинг ичида бир неча иштибоҳ уч бериб турибди.

Биринчиси шуки, сўз ва товушларнинг арабча ёзувига камолоти ишонч билан эътиқод қилиш ҳамма вақт ҳам жуда аниқ натижа беравермайдими. Хатто Хирот адабий муҳитида "хаттотлар султони" лақаби билан донг таратган Султонали Махшаддани ҳам Алишер Навоий асарларини қўйириганда талай хато-ларга йўл қўйган "Илк девон" матнларидан маълум. Бундан ташқари, хаттотларимиз эски миллий ёзувимизда бирмунча эркин-

роқ иш тутганлар. Бу жараёнда "алиф"нинг "айн"га, "айн"нинг "алиф"га алмашиб кетиши оддий ҳолдир. Иккинчидан, Махтумқулининг "У Ой-Кундир бир-биридан аълодир" мисрасидаги Ой ва Кун бирор жойда вақт маъносиди (бир ой ёки бир кун) талқин этилгани маълум эмас. Агар бўлса, бундай муҳим далил келтирилиши лозим эди. Бизнингча, ҳаммаша Ой ва Кўёш жисмлари англашиб, тушуниб келинган. Учинчидан, мисранинг муаллиф тавсия этган "У Ой-Кундир бир-биридан оладир" шакли мазмунда ҳам мужмаллик бор. Агар Махтумқули Ойнинг Кўёшдан нур олишини назарда тутган бўлса, бу тушунишни аниқ ифодалаган бўларди. Тўртинчидан, дунёда бир-биридан нимадир оладиган нарсаси кўп. Аммо бир-биридан аъло бўлган мавжудот, Махтумқули назарда тутганидай, фақат Ой ва Кўёшдир. Мазкур шеърда енгилгина ҳажв, ҳазил ҳам бор. Ундаги фикрларни қатъий қабул қилиш ҳазилни жиддийга йўйиш бўларди. Қолаверса, назаримизда, Махтумқули ва Дурди шоирнинг шеърини айтишувидаги "У нимадир бир-биридан аълодир?" — У Ой-Кундир бир-биридан аълодир" мисраларидан "бир товуш ташвиши"ни қилмаса ҳам бўлади. Негаки, у — бадий асар. Бадий асарда эса шартли хусусияти мавжуд. Бадий асар образидан: "Ой кундан нечук аъло бўлсин?" дея реал илмийлик талаб қилиш ҳам ҳаммаша ўзини оқламайди.

Маълумки, Махтумқули Хоразмда Шерғоҳон мадрасасида, Бухорода Кўкалдош мадрасасида тахсил олган. У ўзбек ва, умуман, Шарқ адабиётини мукамал ўзлаштирган шоир эди. Ой ва Кўёш Шарқ адабиётда фаол қўлланган бадий образлардир. Мумтоз адабиёт намояндаси, аънавий шартлилик тамойилига амал қилиб, Ой ва Кўёш образларидан ранг-баранг шакллارда фойдаланганлар. Махтумқули ҳам ана шу аънаёга амал қилган. Масалан, Мавлоно Лутфий ижодида шундай ажойиб туюқ бор:

Боти ҳуснингдин гуле гар тергамен,
Боти агар борса бу йўлда, тергамен.
Ой юзунини Кўнга ўхшатқан учун,
Гарқ бўлмишмен унглин тергамен.

Менгнор Олломураднинг шеърларида ҳам, публицистик мақола, лаҳза, очерк, хабарларида ҳам, "Арзими ўғлимга еткар" тарихий жиссасида ҳам буй кўрсатиб туради. Ҳаётни зимдан кузатиб, салмоқли хулосалар чиқарган, ҳамма нарсанинг ўз ўрни борлиги, эзгулик ва ёвузлик кураши бежиз эмаслиги, оқ рангда ҳам, қора тусда ҳам

кешиб ўтган бу йўлдан йўловчилар худди шундай бўлиши керакдай ҳаяжонга тушмасдан ўтишади... Онгимизга тобора чуқурроқ ўрнашиб бораётган бу лоқайдлик иллати эса инсониятга молиявий бўҳрон, экологик фалокатлардан кўра кўпроқ зарар келтиради. Чунки лоқайдлик, бошқаларга берафқлик кишида худбинлик ҳиссини кучайтиради. Кишининг туйғуларни тўмтоқлашганида у ўзи билан ўзи ўралашиб, тор қобикқа қамалиб қолади. Бу чоҳдан эса яхшиларнинг ширин сўхати халос қила олади. Негаки, сўхат барча замонда одамларга энг кучли таъсир этадиган самарали восита саналади. Мулоқот чоғида киши қутилмаганда мушқулига чора топади. Шунинг учун Абдулла Қодирий "Меҳробдан чаён" романида "Орчиликда юрак оғригига чора топилади", дейди. Сўхат чоғида айтилган қайсидир фикр мияга, албатта, ўрнашади. Лекин бу фикр кўнгилга ёруғлик солиши ҳам ёки уни зулматга айлантириши ҳам мумкин, дейди адиб мақолаларидан бирида.

Менгнор ака кўп йиллардан бери Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимини бошқаради. У шоир, адиб, журналистларнинг бошини қовуштириб келмоқда. Қолаверса, қасб-қоридан қатъи назар, адабиётга қизиқадиган кишиларни ҳаммаша ўзига яқин олади. Уларга доим



ҳикмат мужассамлигини ҳис қилган адибнинг публицистик мақолаларида ҳам теварак-атрофдаги ўзгаришлардан хайрат ва ҳаяжонли сезилиб туради. У шахар ва қишлоқларида кечаётган муштасил янгиланишлардан чексиз қувонади. "Ўздор — Қумқўрғон теми йўлини мустақилликдан илгари ҳеч ким ҳаёлига келтирганми? Ҳозир тоғларни

Туоқнинг 3-4-мисраларида шоир манзурга: "Сенинг ойдек юзингни Кўёшга ўхшатганим, яъни муносиб ўхшатиш қиёломганим учун, уялганимдан терга ботдим", деяпти. Ҳўш, образларнинг бундай шартли муқоясасидан келиб чиқиб, "малик ул-калом" Лутфийни Ойни Кўёшдан устун қўйишда айблай оламизми?

Ёки Навоийнинг мана бу машҳур сатрларини эсланг:

Бошини фидо айла ато бошига,
Жисмини қил садқа ано қошига.
Тун-қунунга айлагали нур пош,
Бирисин Ой англа, бирисин Кўёш.

Бу ўринда Навоий Ой ва Оқтобни тенг макомда тасвирлайди. Фарзанд олдида ота билан онанинг қадри тенг бўлганидек, улар ўхшатишган Ой ва Кўёш ҳам тенгдир. Она бешик устида нури дийдаси билан тунарларни Ойдек бедор ўтказса, яъни гўдакнинг тунини ёритса, Кўёш фалақда кун бўйи сарсон-саргардон кезиб қоинотга нур сочганидек, ота ҳам оила тебратиш ташвишида кун бўйи меҳнат қилади, яъни фарзанднинг ризқ-насибасини таъминлайди. Бу ҳам шартли муқояса. Навоийни Ой ва Кўёшни тенг қўйишда айбалаймизми.

Баъзан Ой ва Кўёш образлари шартли равишда ўзаро талаштириб ҳам қўйилади. Мана бу байтда юз, ой ва кўёш хусн талашади:

Ой юзунг бирла талашди, буки кўктур ораз,
Панжаси бирла Кўёш гўё юзига урди кож.
Англашилшича, маъшуқа юзи шу қадар тўлини ва нурафшонки, у хусн осмонда ойни доғда қолдиради. Аламзада ой хусн авжиде юз билан ўрин талашади. Юз гўзаллигини ойга эмас, балки ўзига тенг кўрган оқтоб ойнинг такаббурлигидан гўё ғазабланиб, унинг юзига бир тарсаки уради. Оқибатда, ойнинг юзи кўқариб қолади. Навоийнинг ҳаёлий тасвирига ой юзининг қўқимтирилиши ва доғдорлиги табиий асос бўлиб хизмат қилган.

Хуллас, мумтоз адабиётимиздан Ой ва Кўёш образларининг минг бир шаклий-бадий уйғунликда қўлланишига истаганча мисол келтириш мумкин. Ушбу гўзаллик тимсоллари асосида сулув қизларимизга Ойжамол, Ойнисса, Ойпар, Моҳтоб ва Оқтобхон, Гунашбон, Оқтобжамол, Кунсулув каби кўплаб исмлар қўйилган. Улар ҳам бир-бирларидан кам эмас, балки аълодирлар.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
филология фанлари доктори

Нигоҳ

бўлакча меҳр билан қараб: "Киши адабиётга қанча қизиқса, унга интилиб, туйғуларни шунча ўсади ва инсон сифатида маънан, руҳан улғаяди", дейди.

Менгнор Олломураднинг сингари маърифатли, қалби дарё инсонлар, таъбир жоиз бўлса, шамга ўхшайди. Шу ўринда беихтиёр улуғ бобоқалонимиз Абдурахмон Жомийнинг: "Шамни кўр, шамдек бўл, ёниб қалбу тан, Ўзгалар базмини этади равшан", деган мисралари ёдга келади. Дарҳақиқат, Менгнор акага ўхшанган одамларга яхшилик қилишдан яйрайди. Бу ишдан уларнинг қалби қувват олиб, маънан-руҳан ўсади. Шу боис улар ўзининг эмас, ўзгаларнинг ташвиши йўлида кўпроқ олиб-югуради ва бунга ҳеч қачон миннат қилмайди.

Кўнгилга ёруғлик соладиган ана шундай маърифатли инсонлар билан сўхатлашганда ҳаётнинг қувончу ташвишлари, кўз олдимиздан ўтиб бораётган дунёнинг равишига тийрак кўз билан назар сола бошлаймиз, ўзимизни кашф этгандек бўламиз.

Абдулла УЛУФОВ,
филология фанлари номзоди

эстетик хусусиятларига бағишланган Абдулла Шернинг, эссе жанрининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилган Аҳмадхон Мелибоевнинг тадқиқотлари, А.Қозихўжаевнинг "Ҳайрат ул-аброр" ҳайратлари, Н.Мухаммаднинг "Амир Темур ва Хофиз Шерозий", Н.Муратовнинг "Тароват қалъасидаги мушоира" мақолалари ҳам журналнинг ушбу сони мундарижасини бойитган. Ёш тадқиқотчиларнинг мумтоз ва замонавий адабиётнинг долзарб мавзуларига доир илмий изланишлари, жаҳон адабиёти намояндасидан сербиялик шоира Десанка Максимович ижодидан намуналар (О.Суюндиқова таржимаси), немис адиби Херманн Хессенинг китоб мутлоаси ҳақидаги мақоласи (М.Ақбаров таржимаси) билан ҳам танишасиз.

"ШАРҚ ЮЛДУЗИ" 2015 йил, 5-сон

Журналнинг бугунги шеърятта бағишланган сажияларидан бир қатор таниқли ва навқирон шоирларнинг янги туркумлари босилган. Уларда Ватан шарафнади, умр сўмоқларида англанган ҳақиқатлар, дилдан кечган жозибали туйғулар таърифнади, тавсифнади. Чунончи, Ўйлош Эшбекининг "Нури тарих қўйнида қўйимсан, эй, Ватан!" деб номланган шеърлар туркуми берилган.

Шунингдек, журналнинг бу сониди Ўктам Миразёр, Зебо Мирзо, Шермурод Субхон сингари навқирон шоирларимизнинг ҳамда бир гуруҳ ёшларнинг, "Бола-

Журналларни варақлаганда

лар дунёси" руқни остида Нуруллоҳ Остоннинг шеърларини, Малика Мирзанинг ғазалларини ўқийсиз. Атоқли қорақалпоқ шоири Ибройим Юсупов адабий меросидан Рустам Муҳромон таржимасида бир туркум шеърлар ҳам босилган.

Журналнинг ушбу сониди Абдуқамол Ўйлошнинг "Дарё" романининг илк боби, шунингдек, Абдунаби Хамронинг "Ертўладаги умр" жиссаси, Энахон Сиддиқова ва Мухаммадхон Юсуповнинг ҳикоялари эълон қилинган.

Атоқли шоир Шайхзода лирикасининг бадий-

Биз толиби илмлар Ўзбекистоннинг турли гушаларидан келиб Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтига ишга кирган олтинчинчи йилларни яхши эслайман. Мен ҳам профессор Гайбулла Саломов тавсиясига кўра Самарқанддан бу илмий даргоҳга илм излаб келгандим. Гайбулла ака теварағидаги қобилиятли ёшлар орасида Бахтиёр Назаров ўзининг интилувчанлиги, илмга чанқоқлиги, пойтахт илмий муҳити, таниқли адабиётшуносларни яқиндан билиши, адабиёт масалалари ҳақида дадил фикр юритиши билан ҳавасимизни келтирарди.

ИЛМГА САДОҚАТ

Бироз муддат ўтиб, Бахтиёр билан яқин сўхбатдошга айландим. Кунлардан бирида у менга Тил ва адабиёт институтига ёш олимларнинг семинари бўлади, сиз ҳам иштирок этинг, деган таклифни айтди. Унинг далласи билан илмий анжуманларни қолдирмасликка интилардим.

Шу тариқа Бахтиёр Назаров билан ҳамкор, дўст бўлиб қолдик. Бу бераз дўстимга суяна, мақола, таржималаримни унинг назаридан ўтказар эдим, ижодий мулоқотга киришиб, илмий ишларимни бамаслаҳат режалаштирдим.

Бугунги мустақиллик шароитида, ёшларимизга илмий иш қилиш учун кенг шароитлар яратилган. Ваҳоланки, ўша пайтда мен, Бахтиёр Назаров қатори ёшлар аспирантурага кириш учун тўрт йил мунтазам уринганимиз, ҳар йили "жой йўқ" деган жавоб такрорланарди. Шундай пайтда ҳам Бахтиёр тиришқоқлиги тўғрисида аспиртантурага кириб, Ойбекнинг адабий қарашлари мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Бахтиёр Назаровнинг олим сифатида шаклланиши ана шу даврда бошланди. Республика вақтли матбуотида бирин-кетин Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Чўлпон, сал кейинроқ Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Эркин Самандар ва бошқа адиб-шоирларнинг ижоди таҳлилига бағишланган мақолалари чоп этила бошланди.

Ойбекнинг ҳаёти ва ижоди билан астойдил шуғулланган олим илмий тадқиқотлари, тур-

кум мақолаларида адиб ижодида миллийлик ва ўзига хослик, ўзбек адабиётида миллий маданият, урф-одат тасвири фонида халқнинг орзу-интилишлари қай тарзда тасвирлаганини теран очиб берди. Шўро замонида бу каби

мавзуларга қўл уриш тадқиқотчидан каттагина журъат талаб этарди. Ойбекнинг илмий мероси ва замонавий адабий жараён, Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли таҳлилига бағишланган туркум мақолалари ҳам ўша пайтда эълон қилинган

эди. "Ўзбек адабий танқидчилиги. Гоявийлик. Метод. Қаҳрамон" номли монографиясида адабий танқидчилик ва бу соҳанинг ўзига хос хусусиятлари изчил тадқиқ этилган.

Профессор Наим Каримов кўп йиллардан бери Бахтиёр Назаров билан ҳамкор, ҳамфикр бўлиб Тил ва адабиёт институтида бирга ишлаб келишади. "Олимнинг илмий олами" мақоласида Н.Каримов ҳамкасбининг илмий салоҳияти ҳақида шундай ёзади: "Бахтиёр Назаровнинг сўнги йирик ишларидан бири атоқли шоир Фағур Фулом ижодида бағишланган. Маълумки, ўзбек адабиётининг бу машҳур сиймоси тўғрисида кўпгина китоблар, юзлаб мақолалар ёзилган. Бахтиёр шоир ҳақидаги яна бир китобни ёзишга киришар экан, у ҳақда янги сўзни айтишга астойдил ҳаракат қилди. Бу сўз эса мустабид совет тузуми даврида дилидаги ёниқ гапни, изтиробли

гапни айтолмай яшаган шоирнинг дарду армонлари ҳақидаги сўз бўлиши лозим эди. У шу дарду армонларнинг оҳанглари-ни ахтариб, шоирнинг нафақат шеърлари қатига, балки таржималарига, адабий танқидий қараш-

ларига ҳам назар ташлади, у ҳақдаги хотираларни ҳам титқилаб чиқди...".

Мустақиллик йилларида Бахтиёр илмий-ижодий фаолиятини Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти "Адабий алоқалар ва таржима назарияси бўлими" мудири сифатида давом эттираётир. Истиқлол даврида олим Ўзбекистонда миллатлараро адабий алоқани ривожлантиришда, дунё адабиётининг бугунги мустақил Ўзбекистон адабий жараёни билан манфаатли алоқаларни мустаҳкамлашда, бу соҳада лаёқатли шогирдларни етиштириб, уларнинг илмий ишларига бош-қош бўлишда фаол.

Ушбу икки оғиз дил сўзимизнинг бошида қуюнчақ олимнинг илмий даргоҳда иш бошлаган дастлабки пайтидаги ҳаракатчанлиги, илмий изланишга жиддий киришганини бежиз ёдга олмадик. Фидойи олимнинг илм, олимликка астойдил киришгани ўша чоғданок кўзга яққол ташланганди. Мана, бугун қутлуғ етмиш ёшида ҳам ундаги илмга садоқат, ижодий шижоат, изчиллик сусайгани йўқ. Унинг бундай фазилатларига биз қатори дўстлари қанча ҳавас билан қарасак, кўплаб шогирдлари учун унинг илмий-ижодий фаолияти юксак ибрат намунасидир.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида

МУРАББИЙ — ҲАЁТНИНГ ЎЗИ

Шарқда яратилган асарлардан "Минг бир кеча"ни кутубхонамизга қўшмасак кутубхонамиз жуда қариб бўлиб қолади. Негаки, бу асар поёнсиз лаззат манбаи, дунё китоблари орасида тимсолларга энг бойидир.

Ҳерман ХЕССЕ

Ҳеч ким ёзувчини ҳаётни бундай кўрмасликка ва бундай ҳис қилмасликка, балки бошқача ҳис қилиб, бошқача қўришга мажбур қилолмайдими. Ўқиш ва ёзишни ўрганиб олганидан сўнг ёзувчи бошқалардан фақат бир нарсани — қандай ёзмастик кераклигини ўрганмоғи лозим. Ёзувчининг ҳақиқий мураббийси — ҳаётнинг ўзи.

Жон ГОЛСУОРСИ

Ҳар қандай ёзилган китоб ёзилиши ният қилинган китобга ўхшайди.

Александр ГЕНИС

Мен яшашдан тўхтаганимдан кейин ёзишдан тўхтаман.

ПЕТРАРКА

Мен ўзимни қувонтирган, қайғуга солган, қийнайдиган нарсаларнинг ҳаммасини образларга айлантиришга ва поэзия бағрига жойлашга қўниқиб қолганман. Менинг асарларим битта катт иқдороманинг бўлақларидир.

ГЁ

Адабиётнинг анчагина қисмини "қочиб руҳи" билан изохл мумкин. Ана шу руҳ олис-олис арсонавий ўлкаларга нафа саргузашт романларнинг муаллифларини, балки шоирларни чорлайди. Худди романтизм даврларида рўй берганидек, уларни тўсатдан Шарқ жозибаси қулғаб олади.

Ян ПАРАНДОВСКИЙ

Ҳаётда нимаданки сиқилиб юрган бўлсам ижодда мен шуларнинг ҳаммасига ўзимни эга қилиб кўрсатдим.

ШАТОБРИАН

Билмайман нега шундай бўларкан — қўпинча истеъдоднинг туғилган синглиси муҳтожлик бўлиб чиқади.

ПЕТРОНИЙ

САДОҚАТГА ЭҲТИРОМ

Санъатнинг бошқа турлари каби опера ҳам мустақкам гоёвий кучга эга бўлиши, жамият ва даврнинг маънавий эҳтиёжларига жавоб бериши лозим. Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида сахналаштирилган таниқли композитор Рустам Абдуллаевнинг "Садоқат" операси ушбу талабларга муносиб асар бўлган, деб бемалол айтиш мумкин.

Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан сахнага қўйилган мазкур операнинг қаҳрамонлари халқимизнинг икки севили ижодкори — Зулфия ва Ҳамид Олимжон. Шунинг айтиши кераки, "Садоқат" операси тасодифан яратилгани йўқ, Рустам Абдуллаев кўп йиллар мобайнида ҳар икки шоирнинг дилбар шеърятидан илҳомланиб қўшиқлар, романслар ёзди, унча катта бўлмаган камер асар яратди. Буларнинг бари йирик жанрда мураккаб асарнинг дунёга келишига замин ҳозирлади.

Муаллифлар сахна асарига қаҳрамонларнинг бутун ҳаёт ва ижод йўлини асос қилиб олган ҳолда, асосий диққатни Зулфиянинг ўтган асрининг 30-, 40- ва 70-йиллардаги ижоди қаратганлар. Бу даврда шоира ижоди шаклланиб, юксак инсоний ғояларга йўрилган шеърят эътироф этилган. Қаҳрамоннинг ички оламига эҳтиёткорлик билан назар солган муаллифлар аста-секин томошабинга унинг асосий ҳаёт мезонини, қалб туг-ёнларини очиб борадилар.

Композитор қаҳрамонлар образини аниқ, ишонarli ва ёрқин намоён этишга эришган. Муаллиф асосий образларнинг руҳиятини турли мусиқий товланишлар орқали кўрсатишга эришган. Оперда ҳар икки шоирнинг ҳаёти ва ижоди образли ифодаланганки, бу услуб ёрқин, бекиёш шахслар қиёфасини, уларнинг шеърят ва ҳаётини тушунишда жонли кўприк вазифасини ўтайди. Муаллифлар Ҳ.Олимжон ва Зулфияни ўраб турган ижодий муҳитини ҳам унутмайдилар. Оперда муносиб жонланган Фафур Ғулум ва Ойбек образлари икки қаҳрамон — икки шоирнинг шаклланишида ижодий муҳит катта рол ўйнагани-

ни тушунишга ёрдам беради.

Таниқли режиссёр Ферудин Сафаров, тажрибали балетмейстер Қодир Мўминов, безатувчи расмоз Зубайдулла Ботиров, дирижёр Фазлиддин Ёқубжонов ва хормейстер Наталья Куприянованинг самара-

Сахнада янги томоша

ли ҳамкорлиги натижасида асар гоёси ёрқин сахнавий ифодасини топган. Шу ўринда



ажойиб либослар яратишга муваффақ бўлган расмоз Лобар Полвонованинг маҳоратини ҳам қайд этиб ўтиш жоиз.

Режиссёрнинг маҳорати шундаки, у асарнинг асосий ўзагини тўғри илға, қаҳрамонларнинг руҳий олами ишонarli мизансаҳналарда очиб беришга муваффақ бўлган. Ҳар бир кўриниш, ҳар бир сахна ва эпизод ўз вазифасига эга бўлиб, маълум гоёвий юкни ташийди. Натижада томошабин давр нафасини яққол хис этади. Масалан, прологада ёзув столида турган Ҳ.Олимжон портрети "Севги унутилмас" ариясининг дунёга келишига сабаб бўлади.

Оперда шоира образини яратган ёш актриса ва истеъ-

додли хонанда Малика Норматова илк арияси биланок томошабин қалбига йўл топади. Унинг ҳар бир қадами, юриш-туриши, қўл ҳаракатлари қаҳрамоннинг ички олами, изтиробларини томошабинга етказиб беришга қаратилган.

"Наврўз байрами" сахнасида халқ қизқичлири, қўғирчоқбозлар, қайроқ ўйинлари жуда ўринли берилган. Айнаш шу кўтаринки руҳда, асарнинг иккинчи кўринишида Зулфия ва Ҳамид Олимжоннинг илк учрашуви бўлиб ўтади. Асар қаҳрамонларнинг "Изоҳи муҳаббат" қўшигини (дуэтини) тинглаганимизда қалбимизни энгил титроқ босади.

Ушбу дуэтда ёш, истеъдодли актёр Рустам Алимардонов шоирнинг романтик кайфияти, кўтаринки туйғуларини, олижаноблигини равшан ҳиссиёт ва назокат билан ифодалайди.

Хонанданинг лирик-тенор овози, айниқса, юқори авж пардалари саховатли инсон, оқ-ўнғил шоир, ошқ йигит образини ифодалашда ўз сеҳрини кўрсатади.

Кейинги кўринишда бош қаҳрамонларнинг дўстлик даврасидаги ҳолатлари ифодаланади. Бу ерда Фафур Ғулум ва Ойбекнинг қадрдон образлари кўз олдимизда намоён бўлади. Ноёб овоз соҳиб, истеъдодли хонанда ва актёр Раҳим Мирзакамолов ёрқин, ҳаётини, табиий бўёқларда шоир образини яхши гавдалантирган. У ҳар бир иборани "гафурона" руҳда беришга ҳаракат қилади, яъни шоирнинг талаффуз услубига ўхшатиб қўйлади ва сўзлайди.

Жаброил Идрисов талқинидаги Ойбек образи эса босик, камгап, ўйчан, меҳрибон. Речитатив, қўйлаш ва ҳаракат жиҳатидан бошқа образларга ўхшамаган бу образни актёр ишонarli гавдалантиришга ҳаракат қилган. Бу сахнадан мақсад тўрт улуг шоирнинг самимий дўстлигини кўрсатишдир. Машҳур уруш ҳақидаги хабардан сўнг спектаклда вазият кескинлашади. Бу ерда муаллиф ва режиссёр кўрқув ва ваҳима, ташқи эмоционал ҳолатлардан воз кечиб, мусиқа ва сўз юкни пасайтириб, тўрт шоир қиёфасида уруш даҳшатини, уларнинг турли руҳий ҳолатларини ўқтиришга ҳаракат қилишган. Назаримизда, бу топилма замонавий театр ютуқларидан бири бўлиб, томошабинни ўйлашга ва фикрлашга ундайди.

Иккинчи парданинг тўртинчи кўринишида, қаҳрамон фожиали ҳалок бўлганида шоира Зулфия — М.Норматовани буткул ҳам гирдобда кўраимиз... Гўё вақт тўхтаб қолган. Хорал услубида сўзсиз ижро этилган (хор артистлари ижросида) қалб нидолари, ҳайқирқлари томошабиннинг ҳам юрагини эзгандек бўлади. Бу бастакорнинг катта ютуғи бўлиб, ижодиётда кам учрайдиган услуб. Зулфиянинг тасаввурда турмуш ўртоғи жонланади. У шоирани бардошли бўлишга, халқ билан яшашга, ижод қилишга даъват этади.

Ушбу сахнада хонанда Малика Норматова ўзининг актёрлик маҳоратини ҳар томонлама кўрсатишга муваффақ бўлади. У Ҳ.Олимжон қаламига мансуб "Энг гуллаган ёшлик чоғимда" сатрлари билан бошланувчи арияни шундай тўлиб қўйладики, бундан томошабин қалби ларазга келади. Сахнада садоқатли ёр, олижаноб инсон, дилбар аёллар тимсоли гавдаланади. Албатта, халқ асарда маромига етмаган сахна кўринишлари, ишланиши лозим бўлган образлар бор. Бу табиий ҳол. Намойишлар давомида жамоа изланиш жараёнини тўхтатмаган ҳолда сатрларни янада бойитиб боради ва "Садоқат" операси келгусида театр репертуарини беэа, келажак авлодни буюк алломалар ва устозларга ҳурмат руҳида тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшади, деб ўйлаймиз.

Аҳмаджон РАҲИМОВ,
санъатшунос

ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ

Кириб келаётган янги 2016 йилнинг чинакам байрамларида руҳда қутиб олинишда санъат аҳлининг, хусусан театр ижодкорларининг ҳам ҳиссаси бор. Янги йил, айниқса, болалар ўзгача орзиқиш шаклини инобатга олиб, республикамизда театрлар янги йил томошаларини тайёрлашга катта эътибор қаратган. Театрлар турли саргузаштлар асосида таваллуд томошалар, эртак спектакллари 25-декабрдан 10-январга қадар намоён бўлади.

Жумладан, Ўзбек миллий академик драма театри "Ирмон сирини" эртак-спектаклини сахналаштирди. Асарни Турдиали Жумаев сценарийи асосида режиссёрлар Марат Азимов ва Муборак Мадазимов ва сахнага қўйди. Турли йрмон ҳайвонлари тимсолида намоён бўладиган таниқли санъаткорлар ва ёш актёрларнинг ижролари, ёш бастакор Акмал Сафаров ёзган ажайиб қўшиқлар, шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ҳожиакбар Комилов ва Лола Элтоеванинг байрам табриклари болаларга манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри ижодкорлари болаларни ўзбек ва рус тилларидаги "Мегабайли янги йил эртаги" мусиқий томошаси билан хушнуд этадилар.

Муқимий номидаги мусиқий театр ижодкорлари эса "Қорқизнинг саргузаштлари" номли томошани болаҳонларга тўхфа қилади. Шунингдек, Ёшлар театри "Фунтикнинг саргузаштлари", "Оловуддиннинг сеҳрли чироғи", "Оппоғой ва етти ғном", Ўзбек давлат драма театри "Сохта Қорқиз" (сценарий муаллифи ва сахналаштирувчи режиссёр Дилмурод Масандов), Ёш томошабинлар театри "Оппоғой", "Мадагаскар", "Ғаройиб воқеа", "Тақ-тақ, ким у?" спектакллари, Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) теат-

ри "Янги йил ғаройиботи" шоу-томошасини тақдим этмоқда.

Болаҳонларнинг севили маскани — республика Кўғирчоқ театрида "Янги йил мўъжизаси" (сценарий муаллифи ва сахналаштирувчи режиссёр Хотам Охунов) театрлаштирилган томошаси бўлади.

Пойтахтимиздаги бошқа театрлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят театрларида ҳам янги йил байрамни кўтаринки руҳда қутиб олишга жиддий тайёргарлик қўрилган. Жумладан, Қорақалпоқ давлат мусиқий театрининг "Янги йил совғаси", Андижон вилоят мусиқали драма театрининг "Қорбобонинг саргузаштлари", Бухоро вилоят мусиқали драма театрининг "Янги йил саргузаштлари", Самарқанд вилоят мусиқали драма театрининг "Қувнок шаҳарчада янги йил эртаги", Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрининг "Оппоғойим", Хоразм вилоят мусиқали драма театрининг "Қор маликаси" сингари театрлаштирилган томошалари байрам кунлари ёш мухлислари хурсанд қилади, деб ўйлаймиз.

Пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида Ўзбек миллий академик драма театри жамоаси "Янги йил совғаси" театрлаштирилган томошасини намоёйиш этади. Шунингдек, Тошкент шаҳридаги барча катта майдонларда ҳам Янги йил арчаси ёнида томошалар ташкил этилиб, театрларимизнинг етакчи ва ёш актёрлари болалар хизматида бўладилар.

Президентимиз томонидан эълон қилинган 2016 йил — "Соғлом она ва бола йили"нинг кўтаринки кайфиятда қутиб олиниши келгуси хайрли ишларга дебеча бўлиши аниқ.

Э.ЎРИНОВ,
М.МУҲАММАДИНОВА

МУҲИДДИННИНГ ТИНИҚ ОСМОНИ

Халқаро Маданият карвонсаройида ёш расмоз Муҳиддин Рискӣевнинг "Осмон, олов, замин" номли кўргазмаси очилди. "Кексаларни эъзозлаш йили"га бағишланган экспозицияда муаллифнинг эллиқдан ортиқ рангтас-

вир ва графика ишлари ўрин олган. Ижодининг асосий мавзусига айланган осмон, олов, заминни ёш расмоз меҳр билан кузатади. Унинг "Қизил дархатлар", "Шоир", "Қуёш ботиши нурларидаги олмалар" сингари компози-

цияларида ўйланган мавзулар ўзига хос бетақдор ечим топган бўлса, "Автопортрет" асарига қутулмаган манзара, "Уч даракт", "Сўқоқ осмониди қаргалар", "Олма таъми" каби картиналарида тасвирланган воқеа-ҳодисалар ҳаққонийлиги билан томошабин диққатини тартади.

С.КОСИМОВА

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, "Эл-юрт ҳурмати" ордени нишондори, санъатшунослик фанлари доктори, замонавий ўзбек мусиқашунослик мактаби шаклланишига ва жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонишига салмоқли ҳисса қўшган закий олим Файзулла Кароматли (Кароматов)нинг илмий фаолияти асосан Санъатшунослик институти билан боғлиқ.



Устоз олим деярли 50 йил мобайнида мусиқий-фолклор экспедицияларига раҳбарлик қилди, улуг аждодларимиздан мерос бўлиб келатган бебаҳо мусиқий бойлиқни тўплашга муяссар бўлди. Айнан Ф.Кароматлининг бевосита саъй-ҳаракатлари ўлароқ халқ мусиқасига оид мавсум ва маросим айтимлари, лапар, ялла, қўшиқ, терма, ашула, ёввойло сингари жанрлар, шунингдек, бахшилар ижодиётига доир "Аваз", "Хурлиқо Ҳамро", "Алпомиш" дostonларидан парчалар ҳамда сибизик, дўмбира, ғажир-най, дутор, чанқовуз каби қарийб барча миллий қолчуларда ижро этишга мўлжалланган ноёб қуйлар жонли ижролар асосида магнит тасмаларига муҳрланди.

Шу билан бирга, олимнинг ташаббуси ва тақлифи билан институтнинг овоз ёзиш студиясида Ризки Ражабий (танбур), Абдуқодир Исмоилов (най), Турғун Алимов (танбур), Тўйчи Иноғомов, Гафуржон Иноғомов (доира), Комилжон Отаниёзов (айтим, тор), Муҳаммаджон Мирзаев

оладиган хонанда-созандаларнинг вояга етказиш ишлари жадал бошлаб юборилган эди.

Келгусида бу кафедрадан Абдуқошим Исмоилов, Муножот Йўлчиева, Маҳмуджон Тожибоев, Ўлмас Расулов, Марям Сатторовна, Шавкат Мирзаев, Насиба Сатторовна, Рифатилла Қосимов, Машрабжон Эрматов, Аҳмаджон Дадаев, Абдурахмон Холтожиев каби кўплаб таниқли санъаткорлар етишиб чиқди.

Бугунги кунга келиб республикамизда санъатшунослик фанларининг равнақ топаётгани ва бу илм соҳасининг нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки ундан-да кенгроқ миқёсда ҳам нуфузга эга бўлиб бораётганида Файзулла Кароматлининг илмий-ташқил саъй-ҳаракатларининг самарасини кўриш мумкин. Санъатшунослик институтининг Шарқ халқлари мусиқасини

ФАЗИЛАТЛИ ИНСОН

(рубоб), Комилжон Жабборов (ғижжак), Фозилжон Харратов (чанг) каби кўплаб санъаткорлар ижроларида мумтоз мусиқа намуналари ҳам магнит тасмаларига туширилган эди.

Устоз Файзулла Кароматли Бухоро "Шашмақом"нинг ҳам оташин тарғиботчиси бўлган. Яқин

ўтмишда мақомларга расмий муносабат маданиятнинг синфийлиги кесимида мураккаб бўлган мутахассисларга яхши маълум. Мумтоз мусиқий меросимиз айрим давраларда "моҳиятини йўқотган ўтмиш қолдиғи" сифатида баҳоланган даврларда Ф.Кароматли бундай ғояларга қарши маърифий асосда курашди. Атоқли олим Исоҳқ Ражабовнинг "Мақомлар масаласига доир" илмий монографиясига, Юнус Ражабийнинг олти жилли "Шашмақом" нота ёзувларига муҳаррирлик қилди, олимоналик таниқли олим Юрген Эльснер билан ҳамкорликда қиёсий кесимида ёзилган "Мақам ва мақом" номли салмоқли макраласини "Осиё ва Африка халқлари мусиқаси" тўпламида эълон қилди, ЮНЕСКО нуфузли ташкилот хузуридаги мусиқа кенгаши (ICM, IOV, CIOFF)ларнинг аъзоси лавозимиди шу мавзуга доир халқаро анжуманлар ўтказилишига бош-қош бўлди.

Яна бир мисол. Туркий халқлар орасида кенг тарқалган "Алпомиш" дostonининг мусиқий асослари яқин йилларгача махсус тадқиқ қилинмаган, бинобарин, бу хусусдаги илмий тасаввурларимиз хануз мавҳум эди. 1999 йили профессор Ф.Кароматлининг илмий изланишлари "Ўзбек дostonлари мусиқаси ва унинг "Алпомиш"да намоён бўлиши ҳақида" ("Алпомиш", Тошкент, "Фан") ва "Алпамыс" мусиқий асослари" (Тошкент, "Санъат") номларида биринкетин эълон қилинди. Натижада ўзбек мусиқашунослиги азалий маънавий қадриятлардан бирининг илмий асосига эга бўлди.

Файзулла Кароматли миллий мусиқий мерос намуналарини илмий-назарий ўрганиш билангина чекланмай, уларни ёш авлодга амалий ўргатиш борасида ҳам таҳсинга сазовор ишларни амалга оширган. Хусусан, жонқуяр олим ташаббуси билан Тошкент давлат консерваториясида "Шарқ мусиқаси" кафедраси ташкил этилиб, унда ўрта аср мусиқа рисолаларини бевосита ўқиб, тадқиқот олиб бора оладиган мусиқашунос-шарқшуносларни тайёрлаш ҳамда мақом ва бошқа мураккаб жанрларни мукамал ижро эта

ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича йирик илмий марказ сифатида жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонишда бошқа санъатшунос ва мусиқашунослар қатори Ф.Кароматлининг буюк хизматини алоҳида таъкидлаш лозим.

Меҳнатсевар олимдан бизга мерос бўлиб қолган илмий асарлар ҳамда фолклор экспедицияларида жамлаган халқимизнинг бебаҳо миллий мусиқа дурдоналари ўзгичимизни англаш жараёнларида бекиёш аҳамиятга эга, албатта. Бугунги кунда устоз йўлидан эргашиган ўрта ва ёш авлод санъатшунослар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Файзулла Кароматли илмий раҳбарлигида мусиқашунослик фанининг муҳим мавзуларида ўнлаб номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя синовларидан муваффақиятли ўтган. Унинг шогирдлари орасида ўзбекистонлик олимлар билан бирга, қардош Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон, Озарбойжон, Германия, Польша, Чехославакя, Судан, Иордания, АҚШ каби хорижий давлатларнинг фуқаролари ҳам бор. Улар хозирги кунда ўз давлатларининг етакчи олимлари сифатида фаолият олиб бормоқдалар. Бинобарин, бугунги кунда жонқуяр олим, меҳрибон устоз яратган илмий таълимот ва у йлгари сурган илгор ғоялар дунёнинг турли минтақаларида истиқомат қилаётган кўплаб шогирдлари ва издошлари фаолиятида ўз ҳаётини давом эттирмоқда.

Оқилжон ИБРОҲИМОВ,
санъатшунослик фанлари доктори

Таниқли мусиқашунос олим таваллудининг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси Ўзбекистон давлат консерваторияси ва Фанлар академияси Санъатшунослик институтида бўлиб ўтди. Жумладан, Санъатшунослик институтида ташкил этилган "Устозини ёд этиб..." мавзусидаги даврга сўхбатда Ш.Плидаев, О.Иброҳимов, Т.Мирзаев, Р.Юнусов, З.Орипов, А.Алимов каби таниқли олимлар Ф.Кароматлининг ҳаёти ва ижоди, миллий мусиқасини, фолклоршунослик, мусиқий шарқшунослик каби соҳалардаги сермахсул фаолияти, шахсий фазилатлари ва ибрати ҳақида сўзлашдилар. Йилгиланган устоз олимнинг яқинлари, ҳамкасблари, шогирдларининг хотираларини марок билан тингладилар.

Ўзбекистон ва жаҳон маданияти

нинг умумий қиёфасига пугур етказилмаган. Картина режиссёри Филипп Штёльцль экранда Ибн Сино ва у яшаган даврнинг рамзий қиёфасини яратади. Томошабин кўз ўнгига ёрқин ранглар, жозибдор либослар

тасаввурлар доирасидан чиқиб, янги ғоялар билан бойитилган талқин услубларига мурожаат қилишга эришишган. Ўз касбининг ҳақиқий профессионаллар томонидан амалга оширилган ушбу ижодий тахрибалар, табиийки, халқаро миқёсда ҳам эътироф қозонмоқда. Юқоридаги жараён ўзбек киноси ижодкорларини ҳам бефарқ қолдирмаслиги, янги изланишларга чорлаши зарур, деб ўйлаймиз.

ИБН СИНО ДАҲОСИ

оғушидаги эртакнамо Шарқ олами намоён бўлади. "Минг бир кеча" афсоналарини ёдга солувчи мўъжизавий муҳит, бир-биридан кескин фарқ қилувчи характерлар орасида Ибн Сино сиймоси алоҳида ажралиб туради. Илм-фани инсонийлик йўлидаги хизматга айлантирилган аллома сабоқлари Робертнинг истеъдодини сайқаллаб, етук ҳаким мақомига кўтаради. Ибн Сино нафақат машҳур табиб, балки ўз даврининг жонқуяр маърифатпарвари, музафаккир ва гуманист сифатида намоён бўлади.

Қизғин шундаки, "Табиб: Ибн Синонинг шогирди" фильми аме-



та иштирок этган. Бир сўз билан айтганда, улуг бобоқалонимиз Абу Али ибн Сино сиймосига адабиёт ва кино ҳамкорлигида мурожаат қилинган. Қувонарли жиҳати, хорижий ижодкорлар буюк аллома ҳаёти ҳақида шаклланган анъанавий

Эркин ФАКИРОВ

Раим ФАРҲОДИЙ:

ТОМИРЛАРИ ТЕРАН ТАМАДДУН

Жанубий Кореянинг Квангжу шаҳрида Осиё мамлакатлари эртаки-ёзувчилари анжумани бўлиб ўтди. Осиё Маданияти маркази, Корея Республикаси Маданият, спорт ва туризм вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда Ўзбекистондан болалар шоири Раим Фарҳодий ҳам иштирок этди. Қуйида адибнинг мазкур халқаро адабий анжуман ҳақидаги таассуротлари билан танишасиз.

— Фестивал доирасида ўтказилган тадбирларда жаҳон маънавиятини юксалтиришда, инсон тарбиясида Шарқ адабиётининг аҳамияти яна бир бор таъкидланган, тинчлик ва гўзаллик тараннум этилгани билан диққатга сазовор бўлди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, озода ва обод Ватанимизнинг қадимий ва навқирон шаҳри — Самарқандда бўлиб ўтган “Шарқ тароналари” мусиқа фестивали, “Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференция дунёда тинчлик ва бирдамликни тараннум этган ана шундай жаҳоншумул амалий тадбирлар сифатида тарихда қолди.

Эртаки-ёзувчилар анжуманида асосий эътибор Марказий Осиё халқларининг бой ва бетакрор адабий мероси, халқ оғзаси ижодиётининг энг оммавий ва сеҳрли жанри бўлган эртакларга, уларнинг болалар тарбиясидаги ўрнига қаратилди. Ҳақиқатан ҳам Шарқ халқлари эртаклари ўз сеҳру жозибаси, образлар олами, фалсафий тарафлиги билан нафақат болаларнинг, балки катталарнинг ҳам онгу шуурини ром этади. Анжуман доирасидаги семинар машғулотларида эртаки-ёзувчилар олдида ўз халқлари қадимий эртакларининг миллийлик, бадиийлик, образлилик, ҳикматиллик, сеҳрлилик хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда Шарқ ва Европа халқлари тилларида таржима қилиш ҳамда бу асарларнинг янги адабий муқобили матни устида корейлик шоир ва муҳаррирлар билан ҳамкорликда ишлаш вазифаси қўйилди. Сўнгра эртақ қаҳрамонларининг миллий кийимлари, асарда тасвирланган рўзгор буюмлари ва бошқа шу каби деталлар ҳамда турли қизиқарли воқеаларнинг лавҳалари асосида корейлик мусаввирлар томонидан суратлар чизилди, китоблар муқовалари, ички саҳифаларга безаклар ишланди. Шу таразда эртаклар китоби-



лаётган улкан бунёдкорлик ишларини ўз кўзи билан кўрган, пойтахтимиздаги китоб дўконлари ва кутубхоналарда ўзбек халқ эртаклари билан ақиндан танишган эди.

Фестивал давом этаётган кунларда Осиё Маданияти маркази биноси жойлашган янги улкан меъморий мажмуанинг очилиш маросимига тайёргарлик ишлари ҳам олиб борилаётган эди. Осиё Маданияти марказининг очилиши бағишланган тантанали тадбирда Корея Республикаси ва Марказий Осиё мамлакатларининг маданият ишлари бўйича вазирлари учрашди. Эртаки-ёзувчилар фестивали янаям қизиқарли ва ҳаяжонли тус олди.

Квангжу — меҳмондўст шаҳар, икки миллион аҳолиси бор. Дунёдаги об-ҳавоси энг тоза гўшалардан бири. Ҳаво

сезиларли даражада нам бўлгани боис боғлар, кўчалар, майдонлардаги барча ўсимликлар ям-яшил гуркираб, яшнаб туради. Ҳамма жой топ-тоза, озода, шинам. Шаҳар ҳокими Янг Хун Жон Осиё Маданияти маркази меъморий мажмуасининг тантанали очилишида: “Квангжу — йилнинг барча фаслларида гуллар барқ уриб очилиб турадиган шаҳар, бироқ бугун Осиё маданиятининг бу ерда очилган ранг-баранг ва хушбўй гуллари унга янада мафтункор жозиба бахш этди”, деди.

Хушмуомалалик ва меҳмондўстлик азал-азалдан Буюк Ипак йўли бирлаштирган юртлар ва халқларнинг инсоний фазилати бўлиб келган. Эртаки-ёзувчилар фестивалида ушбу юксак маънавий қадрият яна бир бор намоён бўлди.

Корейликлар китобсевар халқ экан. Болалар кутубхонасидан унчалик узок бўлмаган сершовкин кўчадаги савдо расталарини айланиб юрганимда дафъатан майда пиллапоёли узун зинага дуч келдим. Беихтиёр зинадан пастга туша бошладим ва футбол майдони кенглигидаги ўқув залидан чиқиб қолдим. Сокин қироатхонада китобхонлар ўзларига керакли китобларни сара-лаб олишар ва ўтириб мутлаа қилишарди. Китоб ўқиш ҳам ибодат, ҳам меҳнат, ҳам роҳат. Фаройиб ер ости кутубхонасининг деворларига маҳаллий ва жаҳон адабиёти намоёндаларининг суратлари илинган. Китоб дўконлари эса янада гавжум. Юксак матбаа санъати талаблари даражасида нашр этилган турли мавзудаги китоблар териб қўйилган. Рангли муқовалари товус патлирай товланиб турган жилдлар, табиат ва сайёҳлик мавзусидаги китоблар менинг диққатимни тортиди.

Осиё Маданияти маркази мажмуасидан ўрин олган Санъат театри биноси ниҳоятда мушташам қилиб қурилган. Мажмуа худудидида болалар шаҳарчаси ҳам бор. Интерактив ўйингоҳлар, кўргазмалар майдончаси — ҳаммаси юксак дид билан бунёд этилган. Мажмуа доирасида Осиё мамлакатлари маданий ютуқлари кўргазмасини намоиш этиш учун махсус бино ҳам қурилган. Бу жойларни барпо этишдан кўзланган мақсад

миллий ва умуминсоний қадриятларни, инсонпарварликни улуғлаш, маданий бойликларни асраб-авайлашга, халқларни тинчлик ва бирдамликка даъват этишдир. Халқ амалий санъати, миллий рақс ва мусиқага ҳам катта эътибор қаратилган.

Осиё Маданияти марказида театрда энг кичик ёшдаги болалар учун пессалар, хали онасининг қўлидан ерга тушмаган гўдаклар томоша

қилишига мўлжалланган асарлар қўйилар экан. Театрнинг ушбу йўналиши фарзандларнинг келгусидаги маънавий камолоти учун жуда муҳим. Болаларнинг дунёни англашларида, маънавий-руҳий шаклланишида амалий ёрдам бериш учун янги ва самарали йўللар, усуллар, воситалар излаш бу мамлакатнинг замонавий театрига хос хусусиятларидир. Инсон — табиатнинг бир бўлаги, у табиатнинг уйғунлик қонунларига асосида яшаши зарур. Маданиятнинг барча соҳаларида ушбу гояни чуқур ҳис этасиз. Квангжудаги музейлар, фаройиб Ботаника боғи жой олган Сарик денгиздаги оролардан бирига қилинган сайр ҳаёлимизда эртаклардагидек ажойиб таассурот қолдирди.

Ўзбекистонда бўлгани каби Кореяда ҳам турли юртларнинг халқ оғзаси ижодиёти хазинасини теран ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Рангли суратлар билан безатилган жаҳон матбаа санъати даражасида тайёрланган жуда кўп эртақ китоблар ёш китобсеварлар эътиборига ҳавола этилмоқда. Бу болаларнинг маънавий тарбияси, шахс сифатида баркамол бўлиб шаклланишида муҳим аҳамиятга эга.

Эртаки-ёзувчилар фестивалида иштирок этиш менинг халқ эртакларида бўлган қизиқишимни янада мустаҳкамлади. Кичик ҳажмдаги эртаклардан тартиб “Алпомиш”, “Тоҳир ва Зухра”, “Гўрўғли”, “Қўруқ ота” каби йирик эпик дostonларгача барчасини қайта ўқиш, уларни рус тилига ва бошқа хорижий тилларга таржима қилиш заруриятини яна бир бор теран ҳис этдим. Квангжуда нашр этилган эртақ китоблар Осиё халқлари эртаки-ёзувчилари ҳамкорликда амалга ошираётган эзгу ишларнинг дебоҳасидир. Бу ижодий ҳамкорликнинг келажаги порлоқ бўлишига ишонаман.

Рус тилидан

Назира ТОШЕВА таржимада.

“ОЛИСДАГИ ҲАЁЛ”

Назира Ўроқованинг “Шарқ” нашриётида чоп этилган шеърый тўплами “Олисдаги ҳаёл” деб номланган. Мазкур тўпламда унинг сўзга, шеърга эҳтироми акс этган. Чунки, “Мафтун этган мени шон эмас, Асли асир этган шу баёғ”, дейди шоира. Дарҳақиқат, шеър ижодкорнинг энтикиб интиладиган гўшаси — бу ердагина у кўнгил самоларига назар сола олади, туйғулар товушига қулоқ тутди.

Тўпламдан жой олган она, Ватан ҳақидаги шеърлар мазмунан ва мантиқан уйғунликка эга — уларнинг олдидаги фарзандлик бурчи, чексиз муҳаббати ижодкорни жўшиб қуйлашга, самимий туйғуларни қозоғга тўкишга ундайди.

“Жўш урган уммон”, “Севиб кўрганмисиз?”, “Севгилим” сингари шеърлар ишқ-муҳаббат, жўшқин тўғналган садоси, покиза ҳислар ифодаси ўлароқ яратилган. “Оташ муҳаббатим, нури чаманим”, деб бошланган шеърда шоира “дунёга устун” бу туйғу суратини “му-аттар ифори”, “камалак рангли” тасвирий ифодалари орқали акс эттирди.

Тўпламдаги ҳаёт мазмуни, тириклик моҳияти ҳақидаги шеърларнинг қаҳрамонлари — мунис аёл, жажжи болакай, меҳрибон она беихтиёр ўқувчининг сирдошига айланади.

Илимира НАБИЕВА

Янги нашрлар



Ҳаётга, атрофидаги одамларга ҳар ким ўз нуқтаи назари, кўз қараши билан баҳо беради. Бундай қарашлар турли-туманлиги билан қизиқ ва эътиборга лойиқдир. Худди шундай, ижодкорларнинг ҳам бу борадаги тасвир ва талқинлари ҳар хил: реалист ёзувчи ҳаққоний тасвирни маъқул кўрса, фантаст адиб ҳаёлотига эрк беради.

Хўш, ҳажвчи-ёзувчининг кўз қараши қандай? “Noshirlik yog’dusi” нашриётида чоп этилган ҳажвчи Асрор Сулаймоновнинг ҳангомалари, ҳажвиялари жамланган “Маҳалланинг бойи” китобини ўқиб, юқоридаги саволга қониқарли жавоб оласиз.

Тўпламдаги хангомалар айнан ҳаётдагидек. Бироқ айнан ҳаётдагидек воқеаларни ҳажвга айлантиришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун ўткир нигоҳ, ёзувчилик иқтидори талаб этилади. Яна бир муҳим жиҳат — ҳажвчининг бегараз муносабати, тасвирда самимийлиги ва ҳолислигидир. Асрор Сулаймоновнинг китобидаги “Кўнгли тўқ”, “Бугунгиси биздан”, “Маҳалланинг бойи”, “Техалган йўл ҳақи” сингари ҳажвияларни ўқиб, муаллифда айна шу фазилатлар уйғунлигига ишонч ҳосил қиласиз. Ушбу тўплам муҳаррири Бекқул Эгамқулов.

Огоҳлик

ОЛДИНИ ОЛГАН МАЪҚУЛ

Қундалик турмушимизда “зангори олов”-дан кенг фойдаланилади. Ана шу ёқилган тўғри фойдаланиш ёнғин хавфсизлигини таъминлайди. Акс ҳолда озгина эътиборсизлик туйғайли содир бўлган ёнғин нафақат оилага, давлатга моддий талафот, балки инсон соғлиғига ҳам катта зарар етказиши мумкин. Шу боис, қиш мавсумида нафақат иншоотлар, илораю ташкилотлар, балки хонадонларда ҳам ёнғин содир бўлишининг олдини олиш мақсадида зарур чора-тадбирлар кўрилиши лозим. Электр симлари, иситиш тармоқлари обдон текширилиб, носоз жойлари таъмирланиши, бирламчи ўт ўчириш воситалари жамланган тахталар ўрнатиш мақсада мувофиқ.

Таътил бошланиши билан болалар баъзи-

да ота-оналар назоратидан четда қолади. Уларнинг турли қўлбола пиротехник воситалардан яширинча фойдаланиши оқибатида баъзан ёнғин чиқиб ҳолатлари қузғалимоқда. Ёнғин оқибатида бир умрга ногирон бўлиб қолган болаларнинг аянчи тақдирини бугун тажрибалиримишдан маълум. Шу муносабат билан соҳа йўналишида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан жойларда турли тадбирлар ўтказилмоқда. Ёнғинни ўчиргандан кўра унинг олдини олган маъқул. Чунки ҳушёрлик, огоҳлик бугунги кунимизнинг энг зарур талабларидан биридир.

М.НОСИРОВ,
ёнғинга қарши кураш хизмати ходими

КЕКСАЛАР ЭЪЗОЗДА

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида “Кексаларни эъозлаш — ҳар биримизнинг бурчимиз” мавзусида хайрия тадбири ўтказилди. “Экосан” экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди лойиҳаси асосида туман ҳокимлиги ҳамда қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда 24 нафар уруш қатнашчиси ҳамда меҳнат фахрийларига совғалар тақдим этилди. Шунингдек, “Нуроний” жамғармаси томонидан уруш қатнашчиларига И.Умаровнинг “Эъоздасиз ҳамиша” китоби ва совғалар топширилди. Маҳаллалар фаоллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, жамоатчилик вакиллари иштирокидаги тадбирда сўзга чиққан ЎзХДП туман кенгаши раиси И.Абдуллаева, Хотин-қизлар кўмитаси, “Маҳалла”, “Нуроний” жамғармалари вакиллари юртимизда кексалар ва ногиронларга берилаётган эътибор ҳақида гапирдилар.

Мирқарим МИРСОВУРОВ,
“Экосан” халқаро жамоат фонди бўлим бошлиғи

Гул кўп, чаман кўп
ЖАҲОН АДИБЛАРИ
ҲАЁТИДАН

Сўз кимёғари

Ким Син Ок (1941 й.т.) замонавий корейс адабиётида моҳир прозаик сифатида танилган. Асарлари услуби ва жозибадор тили учун уни “сўз кимёғари” деб аташади. Адабий танқидчилар адиб ижодида “ҳиссиётлар инқилоби”ни кўришади. Бу жиҳатдан “Сеул, 1964 йил киши” ҳикоялар тўплами, айниқса, эътиборга сазовор. Шу номдаги ҳикояси Ким Дон Ин (корейс насри мумтоз намоён-даси, ўтган аср 20-30-йилларида фаол ижод қилган, айниқса, “Олов сонатаси” ҳикояси машҳур) муқофоти билан тақдирланган.

Ким Син Ок Осакада туғилган, урушдан сўнг Кореяга қўчиб келган. 1960 йили Сеул миллий университети француз адабиёти бўлимини битирган. Таалаблик даврида газеталарда ҳажвчи рассом бўлиб ишлаб, илк ҳикояларини чоп эттиради. 1962 йили “Проза асри” номли адабий журнал таъсис этиб, ўз асарларини ҳам эълон қилиб боради. Унинг “Мужинга саёҳат” асари “Туман” бадиий филмига асос бўлиб, Осиё ва Тинч океани мамлакатлари 14-кинофестивалида алоҳида тақдирланган. Эндиликда Ким Син Окнинг насрий асарлари кўплаб жаҳон тилларида чоп этилмоқда.

Мисиманинг “олтин ибодатхонаси”



Юкио Мисима (1925-1970) Иккинчи жаҳон урушидан кейин шаклланган япон адабиёти вакилларида бири. У давлат хизматчиси Адзуси Хироаки оиласида таваллуд топган. Бобоси Хироаки Садатаро 1908-1914 йилларда Жанубий Сахалин губернатори бўлган. Бўлғуси адиб Токио университетидида ҳуқуқшунослик бўйича ўқиётганида немис романтизми ва Достоевский ижоди унга қучли таъсир кўрсади. 1946-1951 йилларда ёзган “Никобнинг истиғфори” романида ўз бошидан ўтган воқеаларни қаламга олган. Унинг бошқа роман, песа ва эсселари ҳам қизиқлиқ билан ўқилади. “Олтин ибодатхона” романи Японияда жуда машҳур бўлиб, будда эҳромларидан бирида юз берган воқеа тарихига бағишланган. Сокин кўл бўйида ёғочдан тикланиб, олтин билан жиловланган бу ибодатхона меъморий дурдоналардан бири сифатида аср бўйи одамларни маҳлиё этиб келган. Ибодатхона хизматчиларидан бири “Дунё бундай гўзалликка арзаймайди”, деб уни таг-тути билан ёқиб юборади. Замондосларнинг олтин ибодатхона ҳақидаги ҳаёлий тасаввурлари ёзувчида қучли таассурот уйғотган.

“Кёко уйи”, “Зифатдан сўнг”, “Гўзал юлдуз”, “Ипак ва заковат” каби роман ва қиссалари, “Барака денгизи” тетралогияси, новелла ва псалари ҳам жуда кўп эътироф этилган. Адиб 45 ёшида оламдан ўтганга қадар қирқта роман, ўнлаб эссе ва ҳикоялар тўпламларини чоп эттирди. Ўн беш романи вафотига қадар экранлаштирилган. 18та песаи Япония, Америка ва Европа театрларида саҳналаштирилиб, муваффақият қозонган. Адибнинг номзоди Нобел мукофотиға тақдим этилган. 1951 йили ёзилган “Ишққа ташналик” романи ЮНЕСКО томонидан Япон адабиёти дурдоналари туркумига киритилган.

Нақиб Маҳфуз довруғи

Араб ёзувчиларидан илк бор Нобел мукофотиға (1988) сазовор бўлган Нақиб Маҳфуз (1911-2006)нинг қирқдан ортиқ роман ва ҳикоя китоблари, саҳна асарларида Миср ҳаётидаги ижтимоий жараёнлар акс этган. Миллий уйғо-ниш ғояси бош мақсад қилиб олинган бу асарларда юртдошлар тақдирига қуюнчақлик акс этган. Ноёб араб маданиятини сақлаб қолиш, одамларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига қўмақлашиш, кенг қатламли аҳоли онгидидаги мудроқликка барҳам бериш адибнинг асосий мавзурларидир.

Н.Маҳфуз Қоҳира университети фалсафа бўлимини битирган. “Ақлдан озишнинг энгил шамоли” (1938) номли илк китобида буржуа жамиятидаги бойлик ва қашшоқлик манзаралари қаламга олинган. “Тақдир ўйинлари”, “Радобис”, “Фив кураши” каби тарихий романларида фиръавнлар даврини тасвирлаб, кўп минг йил шонли тарихга муносабат масаласини кун тартибига қўяди. “Қоҳира” романида ёшлар ҳаёти, “Хон аль-Халилий”, “Мид, си”, “Ибтидо ва интиҳ” романларида эса, “Миср” жамиятининг қатламлариға хос манзаралар тасвирланади.

Адибнинг кўнча Қоҳира мавзелири номи билан аталган т.гисси (1957) нуфузли давлат мукофотиға сазовор бўлган. Тригя шу жиҳатдан эътиборга сазоворки, Н.Маҳфузға қадар араб адабиётида анъанавий мумтоз, замонавий ва сўзлашув тили етакчилик қилган. Ёзувчи қаҳрамонлари оддий одамлар бўлишиға қарамай, у сўзлашув тилидан кам фойдаланган ҳолда адабий тилини бойитишға муваффақ бўлди. Мисрда Кинематография институтини (1960) очилиб, замонавий филмлар яратишчи ҳам Н.Маҳфуз иштироки ва ижоди билан боғлиқ, 1970-1980 йилларда чиққан “Ойна”, “Муҳтарам жаноб”, “Минг тунлар туни” романларида адибнинг юксак маҳорати ва фуқаролик нуқтаи назари яққол акс этган. “Реализм ҳамда бутун инсоният учун қадрият бўлган араб ҳикояларининг бой оҳанглариини сақлаган ижоди учун” 1988 йили адибга Нобел мукофоти берилган. Қоҳирадаги Мухандисин мавзеида адибга ҳаётлик чоғидаёқ бронза монумент ўрнатилган.

“Араб Букери” соҳаби

Қуватлик ёш адиб Сауд ас-Сануси 2013 йили “Бамбук пояси” романи учун араб адабиёти бўйича нуфузли халқаро мукофот билан тақдирланган эди. Диплом ва эллик минг долларлик мукофот унга Бирлашган Араб Амирликлари пойтахти Абу-Дабида сайёҳлик ва маданият ташкилоти томонидан топширилган. Эндиликда мазкур асар инглиз тилига ҳам таржима қилинди. Асар қаҳрамонлари қуватлик йигит ва филиппинлик қиз бўлиб, улар ҳаёти давомида турли муаммоларни бошдан кечирадилар.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
“МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ”
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзил: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бом
муҳаррир
Сирожиддин
САЙИД

Тахририятга келган кўлэмалар таҳмиа этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОВ
Саҳифаловчи — Зафар РҲҲИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа
ижодий уйи босмахонаси.
Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй
Босишға топшириш вақти — 20.00. Босишға топширилди — 19.06

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адаби — 4040 Бутуртма S — 4740. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Навр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КҲНАЛАРИ
ЧИҚАДИ.СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

